

**ОДАМЛАР БИЛАН
ҲИСОБЛАШМАЙДИГАН РАИСНИ
КИМ ИШДАН БЎШАТАДИ? 4**

**СУДЛАНГАН
ФУҚАРО РАИСЛИККА
САЙЛАНАДИМИ? 5**

Maḥalla

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ГАЗЕТА



#50 (2136) | ШАНБА, 16 ДЕКАБРЬ 2023 ЙИЛ

WWW.UZMAHALLA.UZ

**«БИР ТАЛАЙ
МУАММОЛАР
ЕЧИМИНИ БИР УМР
КУТАМИЗМИ?»**



**«МАҲАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАРДА
РАИСЛАР
САЛМОҒИ
ОРТИШИ КЕРАК»**



**«ИККИ ЙИЛКИ,
ДАСТУРДАГИ
ВАЗИФАЛАР
ЯКУНИГА
ЕТМАЯПТИ»**



**«МУАММОЛАР
ҚАРШИСИДА РАИС
ЁЛҒИЗ ҚОЛАРДИ...»**

ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ!

**ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ РАИСЛАРИНИНГ ҲАҚИҚИЙ МИНБАРИ,
ОШКОРА МУЛОҚОТ МАЙДОНИ БЎЛГАН «МАHALLA» ГАЗЕТАСИ ВА
«MAHALLA KO'ZGUSI» ЖУРНАЛИГА 2024 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛИНГ!**

**ҲАР ИККАЛА НАШРНИНГ ЙИЛЛИК ОБУНА НАРХИ ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛДИРИЛДИ:
«MAHALLA» ГАЗЕТАСИ — 600 000 СЎМ; «MAHALLA KO'ZGUSI» ЖУРНАЛИ — 400 000 СЎМ.
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 71 233 39 89, 71 233 10 92, 97 146 02 07**

МАЪНАВИЯТ РАҲБАРДАН БОШЛАНАДИ

«Ўйлансам, иккилансам, «Mahalla»га юзланаман»

Ёшлигимдан газета-журналларни севиб ўқийман. Ҳар ҳафта почтачининг уйга газета олиб келишини интиқлик билан кутардим. Оиламизда ўзига хос газетхонлик, китобхонлик муҳити ҳукмрон эди. Бу тажрибани бугун ўз фарзандларимга сингдиришга ҳаракат қиляпман. Шу боис газета-журналларга, хусусан, «Mahalla» газетасига обун бўлганман.



Газета шунчаки иш столим ёки оиламиз жавонини беэза турмайди. У яқин ҳамроҳим, маслаҳатчим ҳамдир. Қайсидир масалада ўйлансам, қийналсам ёки иккилансам, дарров газетага юзланаман. Ундан ўзимга керакли жавобни топаман. Тизимга оид, ҳуқуқий соҳаларга доир билимларимни айнан шу нашр орқали бойитиб бораман. Тўлаган пулим ўзимга икки-уч ҳисса ортиғи билан қайтишини биламан.

Яна бир гап: Вазирлик тизими қандай ишлайди, биз нималарга эътибор қаратишимиз керак, бариси «Mahalla»да бор. Уни иш, йўналиш режаси, деса бўлади. Бошқа вилоятлар, туманлардаги маҳалла ходимлари қандай фаолият юритяпти, уларнинг орзу-халёлари нимада, янги ташаббуслари тўғрисида шу нашр орқали биламиз, эзгу амаллардан ўрناق оламиз.

Қолаверса, маҳалла ходимларининг ҳуқуқи, манфаатлари ҳимоячиси сифатида «Mahalla» — ягона минбардир. Буни яхши англаган, ўз фаолиятида газетани муҳим манба ўрнида кўрган туманимиздаги мавжуд 24 та маҳалланинг деярли барча раислари шу нашрга обун бўлишди. Севимли газетамизга обун бўлганимдан асло афсусланмайман. Аксинча, тўғри танлов қилганимдан хурсандман.

Яҳёбек РАЗЗОҚОВ,
Улуғнор тумани Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи.

ОБОДЛИК

«Халқ хоҳиш-истаклари инobatга олинди»

Давлат раҳбарининг бевосита эътибори ва тавсияларига мувофиқ, «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезонлари асосида ўтган уч ойда бевосита маҳалла ва қишлоқларда, олис аҳоли масканларида уйма-уй юриб ўрганишлар олиб борилгани ҳолда амалий ишга ўтилгани кўпдан кутилган янгилик бўлди. Бу орқали аҳолини ўйлантираётган ташвиш ва муаммоларга ўз вақтида ва сифатли ечим топиляпти.

Айни пайтда Далмун, Қораулон, Хўжалар, Арбобон, Қалъа қишлоқларини ўзида бирлаштирган маҳалламизда 581 та хонадон ва 922 та оила бўлиб, уларда 3 400 нафарга яқин аҳоли яшайди.

Маҳаллада олиб борилаётган ўрганишлар туфайли «Темир дафтар»га киритилган оилалар сони жорий йил иккинчи ярмида 10 тага, «Аёллар дафтари»дан ўрин олганлар сони 120 нафардан 73 нафарга, «Ёшлар дафтари»даги йигит-қизлар сони 38 нафардан 6 нафаргача қисқарди.

Маҳалла инфратузилмасини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда, кейинги уч ойда ўттизга яқин савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга, ички йўлларнинг қарийб 10 километр қисми таъмирдан чиқарилди. Бунда 2,5 километр йўл асфальтланди, 3 километрга шағал ётқизилди, 750 метр квадрат йўл қисмида пиёдалар йўлаги барпо қилинди.

Тоza ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида 4,7 километр масофага янгидан сув тармоғи тортилиб, илк бор 140 та хонадон оби-ҳаёт билан таъминланди. Болалар майдончаси, дам олиш боғи, «Workout» майдончаси барпо этилиб, шу кунларда маҳалла маъмурий марказини барпо этиш ишлари олиб борилмоқда.

Очиғи, авваллари бизни «Оддий одамларга, ёшларга нима керак?», «Болалар кечқурун нима ўйнайди?», «Ёши катталар қаёққа бориб, суҳбатлашади?» деган саволлар қийнарди. «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезонлари асосида бунга ечим топилди: лойиҳалар халқимиз хоҳиш-истаклари инobatга олиниб, яхлит тузилма шаклида тайёрланди. Натижада гавжуд жойлар — маҳалла идораси, мактаблар ёнида сунъий қопламали мини-футбол майдони, баскетбол, стол тенниси, шахмат-шашка учун жойлар ташкил этиляпти.

Қолаверса, шу жойларда кутубхона, компьютерхона, ошхона, ҳаммом курса бўлади. Келгусида шифокор пунктларини жойлаштириш мумкин. Умуман, бу орқали ҳам хизматлар ривожланади, ҳам одамлар рози бўлади. Ўйлашимча, ҳар бир маҳалланинг мана шундай иқтисодий, ижтимоий, илмий маркази бўлиши керак, у ерда ҳаёт қайнаши лозим.

Шоҳиддин НОСИРОВ,
Жондор туманидаги «Далмунобод» маҳалласи раиси.

БУНЁДКОРЛИК

«Ёттилик» билан катта мақсадларга етамиз»

Маҳалламиз 8 та — Катта Орғун, Ойнасоз, Оқ олтин, Паракти, Сорғун, Сурхиён, Суғдиёна, Асалхўжа каби қишлоқлардан таркиб топган. Худудда 3 570 нафар аҳоли истиқомат қилади.

Инфратузилма ҳақида сўз кетганда, ўтган ойлarda маҳалла худудидан ўтувчи «Когон — Катта Орғун — Янглов — Қизилтепа» автомобиль йўлининг таъмирталаб 3 километр қисми асфальтланди, 2 километр масофада пиёдалар йўлакчаси барпо этилди. Ойнасоз, Сорғун, Паракти, Сурхиён қишлоқлари бўйлаб ўтган ички йўлларнинг қарийб 1,5 километр қисмига шағал ётқизилиб, 1,2 километрдан зиёди асфальт қилинди. Яна қишда лой, ёзда чанги осмонга ўрлайдиган кўчаларнинг 2,5 километри бетонлаштирилди.

Сорғунликлар электр энергияси таъминотидаги узилишлардан четда қолмагани. Тармоқдаги нуқсон ва камчиликларга



барҳам бериш мақсадида 5,7 километр масофадаги электр линияси бутунлай янгиланди.

Янгиликлар фақат шулар билангина чегараланиб қолмади. Айни қиш кунларида фуқаролар йиғини кўмирга эҳтиёжи бор 492 та хонадондан 172 тасига сифатли кўмир харид қилиш учун далолатнома тақдим этди. Сўнгги икки ойда интернет тармоғига уланган хонадонлар сони 288 тадан 354 тага етди. Қолаверса, маҳалла гузари таъмирланди. Қишлоқ мактаблари жорий таъмирдан чиқарилиб, ёш спортсеварлар учун «Workout» майдончаси барпо қилинди. Сартарошхона, устахона, «Гўзаллик салони» ва тикувчилик цехи каби аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил қилинди.

Шу ўринда маҳалла тизимидаги ўзгаришлар ҳақида икки оғиз фикр билдирсам. Очиғи, 2024 йилдан кўп нарсани кутяпмиз. Биринчидан, «Маҳалла бюджети» тизими орқали фуқаролар йиғини доимий даромад

манбаига эга бўлади. Натижада худуддаги айрим масалаларни ўзимиз мустақил ҳал эта оламиз. Иккинчидан, тизим рақамлаштирилади. Боиси айрим ўринларда қоғозбозлик кўп вақтимизни ўғирлайди, одамлар муаммолари билан ишлашга имкон қолмайди. Учунчидан, эҳтиёжманд аҳолини рўйхатга киритиш, уларга моддий ёрдам, субсидия ва кредит ажратиш каби 70 дан ортиқ масалалар маҳалланинг ўзида жамоавий ҳал қилинади. Бу орқали ортиқча оворагарчилик, вақт йўқотилишига чек қўйилади. Тўртинчидан, маҳалла кўтарган муаммога қулоқ тутадиган тизим яратилади. Маҳаллаларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш кенгашлари «еттилик» қўйган масалаларга ечим топади, молиявий манбаларини ҳал қилиб беради. Умуман олганда, келгуси йилдан умидларимиз катта.

Бахтиёр БЕКМУРОДОВ,
Когон туманидаги «Сорғун» маҳалласи раиси.

МАЪНАВИЯТ РАҲБАРДАН БОШЛАНАДИ

Ҳоқим «Mahalla»га обуна бўлди

Гулистон туман ҳоқими Ўлмасжон Мамадаминов маънавият тарғиботчиси ҳамда китобхонлиги билан танилган. Қолаверса, бу раҳбар матбуот ошноси ҳамдир. Сўзимиз исботи сифатида шу йил 16 декабрь куни республика нашри ҳисобланган «Mahalla» газетаси ҳамда «Mahalla ko'zguisi» журналига 2024 йил учун ўз номига йиллик обуна расмийлаштирибди.



— Менда босма нашрларга қизиқиш бугун ёки кеча шакланмаган, — дейди Ў.Мамадаминов. — Болаликдан газета ва журналларга илму зиё тарқатувчи муқаддас минбар сифатида қараганман. Бўш вақтимда китоб ва газета ўқиб бориш одатга айланган. Айниқса, соҳавий нашр ҳисобланган «Mahalla» газетасини тизимга раҳбарлик қилган давримда яқиндан кашф қилдим. Ундаги мақолалар, долзарб мавзудаги танқидий-таҳлилий материалларни ҳатто, интернетдан топа олмайсиз. Энг муҳими,

республиканинг турли ҳудудда ишлаётган маҳалла раислари илғор тажрибасини оммалаштиришда қиёси йўқ, минбар, дейиш мумкин. Шундан бери бу газета менга яқин ҳамроҳга айланган. Бир туман ҳоқими сифатида ҳудуддаги маҳаллалар ҳаёти, реал вазият билан шу нашр орқали танишиб бораман.

Президентимиз газета ва журналлар ҳақида фикр билдириб, ҳаётимизда радио-телевидение, Интернет билан бирга босма нашрларнинг ҳам ўз ўрни борлигини бежиз таъкидламаган.

«Тажриба ва муаммолар батафсил айтиляпти»



Олимжон ТОЖИХОНОВ,
Чиноз тумани камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи ўринбосари:

— «Mahalla» газетаси маҳалла раисларининг ҳақиқий минбари. Ушбу нашрда мамлакатимиздаги барча маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар, хусусан, маҳалла раисларининг ютуқлари, тажрибалари оммалаштирилади.

Йиғинлардаги мавжуд муаммолар кенг ёритилмоқда.

Чиноз туманидаги деярли барча маҳалла раислари ўзларининг нашри — «Mahalla» газетасига обуна бўлишди. Биз ҳам фаолиятимиз бевосита маҳаллалар билан боғлиқ бўлгани учун ушбу нашрга ёзилдик. Ундан иш жараёнида доимий равишда фойдаланиб келяпмиз.

ОБОД МАҲАЛЛА

«Абгор ҳолимиз ўтмишга айланди»



Қалдирғоч инини эслатдиган, эски пастқам бинолар, томидан чакка ўтадиган уй-жойлар ва абгор ҳолга келиб қолган кўчалар. Улар олис ўтмиш эмас, Оқолтин тумани «Мустақиллик» маҳалласининг бундан бориёғи бир неча ой илгариги манзараси.

Бевосита давлат раҳбарининг ташаббуси ва топшириғи билан ҳудудда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Қисқа вақт ичида маҳалла қиёфаси мутлақо ўзгариб, замонавий кўринишга келтирилди. Ҳар бир инсон, ёшу қари ободлик йўлидаги хайрли ишларда жонбозлик кўрсатди.

Айни вақтда ўзгаришлардан аҳоли вакиллари фойда мамнун. Бу ердаги мавжуд 16 та кўп қаватли уйнинг барчаси таъмирланди. Бўш майдонлар кўкаламзорлаштирилди. 1 километр ички йўл асфальтлашиб, янги лотоклар қурилди. Пиедалар йўлаги, ўриндиклар, чиқинди қутилари ва 50 дона янги темир-бетон устун, замонавий тунги ёри-



тиш чироклари ўрнатилди. 2 дона трансформатор пункти янгиланди ҳамда 3 километр ҳаво тармоғи тортилди.

Шунингдек, янги қуриб битказилган маҳалла фуқаролар йиғини биноси, «Workout», 5 та болалар майдончаси, сунъий қопламали футбол майдони, 8 та жамоат ҳожатхонаси, 6 та тандирхона ва 1 та ҳаммом, «Booksafe», хотин-қизларни тадбиркорлик ва касб-хунарга ўқитиш маркази фойдаланишга топширилди.

76 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Қийин аҳволга тушиб қолган 28 нафар фуқарога 150 миллион сўмлик турли ёрдам кўрса-

тилди. 10 дан зиёд фуқаро бепул дори-дармон воситалари билан таъминланди. «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ҳамда «Аёллар дафтари»даги 25 нафар фуқарога тикув машинаси, пиширик печлари, электр пайвандлагич, компьютер ва бошқа зарур асбоб-ускуна топширилди. Тижорат банклари томонидан 41 нафар фуқаро ва тадбиркорлик субъектига 653 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди.

Улуғбек Жўраев,
Оқолтин туманидаги «Мустақиллик» маҳалласи раиси.

ҲОЛАТ

«Раисликка бошқа ҳудуд фуқароси сайланмайди»

Маъмуржон ОМОНОВ,
Фурқат туманидаги «Шойимбек» маҳалласи раиси:

— Маҳалла раиси шу ҳудуд паст-баландини яхши биладиган фуқаро бўлиши керак. Қонунчиликда маҳалла раисини сайлашда шу жиҳатга эътибор берилганми? Яъни, номзод бошқа ҳудуддан кўйилиши мумкинми? Савол беришим сабаби, айрим ҳолда бошқа ҳудудда яшовчи фуқаро маҳалла раислигига сайланади. Шу тўғрими?

Тўлқин ТОҒАЙҚУЛОВ,
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги бош мутахассиси:

— Амалдаги «Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида»ги қонунга кўра, номзод сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши керак. Ушбу қонуннинг 17-моддасида фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларга қўйиладиган талаблар кўрсатиб ўтилган.

Унга кўра, фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши, қоида тариқасида, олий маълумотли, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларида



ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек ҳаётининг тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, оғир ёхуд ўта оғир жиноятни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар, шунингдек суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойида сақланаётган, ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар, диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари фуқаролар йиғини раиси лавозимига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

Демак, қонунга кўра, раис бошқа ҳудуддан сайланиши тақиқланади.

ВАЗИЯТ

Одамлар билан ҳисоблашмайдиган раисни ким ишдан бўшатади?

Жовли МЕНГЛИЕВ,
Сурхондарё вилояти Ангор тумани:

— Айрим ҳолларда маҳалла раислари орасида ўз касбига нолайик, фуқаролар билан ҳисоблашмайдиган, ахлоқ қоидаларини мунтазам равишда бузадиганлари учраб қолиши ҳақида эшитамиз. Баъзида улар ўз ишига масъулият билан ёндашмайди. Айтингчи, шу каби ҳолатларда раисни ишдан бўшатиш мумкинми? Бунинг учун кимга мурожаат қилиш керак? Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги раисни ишдан олиши мумкинми?



Жамшид НАЗАРБОЕВ,
Камбағалликни қисқартириш
ва бандлик вазирлиги масъул
ходими:

— Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари маҳалла раисларини тўғридан-тўғри бўшатиш ваколатига эга эмас. Зеро, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида белгилаб қўйилганидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бош-

қариш органлари фаолиятига давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг аралашувига йўл қўйилмайди.

Маҳалла раиси сайланади, уни халқ сайлайди. Халқ ишонч билдириб сайлаган раис ўз ишига масъулият билан ёндашмаётган экан, аҳолининг ўзи уларнинг фаолиятига баҳо бериши керак. Маҳалла фаолиятига бефарқ бўлмаган фуқаро ўз маҳалласи раиси фаолияти бўйича бемалол фуқаролар йиғини билан маслаҳатлашиб, қонуний баҳо

бериши мумкин.

Юқоридаги қонуннинг 24-моддасига кўра, айрим ҳолларда фуқаролар йиғини раиснинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш белгиланган. Хусусан:

- у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганда;
- фуқаролар йиғини раиси умумқабул қилинган ахлоқ, одоб нормаларини кўпол равишда бузғувчи, раис мақомини бадном қилувчи ва фуқаролар йиғини оғуришга путур етказувчи хатти-ҳаракатлар ва ножўя ишлар содир этган, шунингдек, ўз вазифаларини мунтазам равишда узрли сабабларсиз бажармаган тақдирда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан қарор қабул қилинганда;
- у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганда;
- унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;
- у суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида бедарак йўқолган деб топилган ёхуд вафот этган деб эълон қилинганда;
- у Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда;
- у соғлиғи ҳолати ёки бошқа узрли сабабларга кўра уч ой давомида ўз вазифаларини бажара олмай қолганда;
- у вафот этганда ваколатлари муддатидан олдин тугатилди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

«Маҳалла раиси фирибгар бўлса...»

Нуриддин МЕЛИҚУЛОВ,
Қашқадарё вилояти
Яккабоғ тумани:

— Ўтган йиллар давомида Самарқанд, Навоий, Фарғона вилоятларида маҳалла раислари фирибгарлик жиноятини содир этгани учун қўлга олинганини биламиз. Бунда улар нафақа тайинлаш, кам таъминланган ошлар рўйхатига киритиш бўйича фуқароларни алдаган. Айтингчи, бу каби ҳолатларда улар қандай жазоланади? Лавозимидан озод этиладими?

Наргиза ФАХРИДДИНОВА,
Камбағалликни қисқартириш
ва бандлик вазирлиги
юристоконсулти:

— Қонун барча учун баробар. Хоҳ у мансабдор шахс, хоҳ оддий фуқаро бўлсин, қонун олдида жавоб беради. Фирибгарлик, бу — ўзганинг мулкни ёки мулкга бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишонччи суистемол қилиш йўли билан қўлга киритишдир. Бунинг учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Жиноят кодексининг 168-моддасига кўра, фирибгарлик содир этган шахс **БХМнинг 50 бараваридан 100 бараваригача (17 млн. сўмдан 34 млн. сўмгача)** миқдорда жарима, **2 йилгача** ахлоқ тузатиш ишлари, **1 йилдан 3 йилгача**

озодликни чеклаш, **3 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин. Шунингдек, фирибгарликнинг миқдори, такрорийлиги, содир этган шахслар, содир этиш воситасидан келиб чиқиб, жавобгарлик чораси оғирлашиши мумкин.

Фирибгарлик бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, **БХМнинг 100 бараваридан 300 бараваригача (34 млн. сўмдан 102 млн. сўмгача)** миқдорда жарима, **3 йилгача** ахлоқ тузатиш ишлари, **3 йилдан 5 йилгача** озодликни чеклаш, **3 йилдан 5 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Худди шундай, фирибгарлик хизмат мавқидан фойдаланган

ҳолда содир этилган бўлса, **БХМнинг 300 бараваридан 400 бараваригача (102 млн. сўмдан 136 млн. сўмгача)** миқдорда жарима, **2 йилдан 3 йилгача** ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда **5 йилдан 8 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди. Агар маҳалла раисининг фирибгарлик жиноятини содир этгани исботланса ва **унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирса**, фуқаролар йиғини раиси муддатидан илгари лавозимидан озод этилиши мумкин.



МАЪНАВИЯТ РАҲБАРДАН БОШЛАНАДИ

«Ўқиган вақтимизга, сарфлаган пулимизга ачинмаймиз!»



Бугунги замонавий раҳбар қандай сифатларга эга бўлиши керак? Дунёқараши кенг, билимли, одамлар билан мулоқот қила оладиган, танқидий ва мантиқий фикрлаш қобилиятига эга, маънан етук, энг муҳими, ўзгаларга, қўл остидаги ходимларга ўрнатилган бўла оладиган киши бўлмоғи лозим. Бунинг учун ўқиши, изланиши, малака ошириши, тажриба тўплаши даркор. «Mahalla» газетаси бугун бизга буларнинг барчасини бермоқда.

Тўғри, бугун замон ўзгарди. Бироқ китоб ўқиш, интернетга ҳамнафас бўлиш ўз йўлига. Аммо матбуот билан ҳамроҳ бўлмаган раҳбарнинг, маҳалла ходимининг бирор нарса хусусида — хоҳ у илмий, хоҳ сиёсий бўлсин, эркин мушоҳада юритиши мушкул. Ахир тизимга оид нашрни мунтазам ўқиш бормасдан билими, малакаси, тажрибасини қандай ошириши мумкин? Одамларни қандай қилиб ўз ортидан эргаштира олади?

2023 йил давомида газетанинг ҳар бир сонини синчиклаб ўқиш, фаолиятим учун керакли маълумотларни олдим. Энг долзарб мавзулардаги тахлилий мақолалар, Президент ҳужжатларининг оддий, содда тилда баён этилган шарҳлари, турли мавзудаги ҳуқуқий маслаҳатлар билан танишиб, 2024 йилда ҳам «Mahalla» менга ҳамроҳ бўлишини истадим.

Мен каби шахримиздаги 22 та маҳалла ходимлари ихтиёрий равишда обунани расмийлаштиришди. Зеро, улар мазкур нашрнинг ўз фаолиятида қанчалик муҳим ўрин тутишини, фуқаролар билан мулоқотда асқотишини йиллар давомида синовдан ўтказиб келяпти. Шунга кўра, ўзлари ташаббус кўрсатиб, биринчилардан бўлиб обуна бўлишди. Бир сўз билан айтганда, «Mahalla»ни ўқиган вақтимизга, обуна учун сарфлаган маблағимизга ачинмаймиз!

Ислом ШОДИЕВ,
Когон шаҳар камбағалликни қисқартириш ва
бандлик бўлим бошлиғи.

БИЛАСИЗМИ?

Барча учун муҳим рақамлар

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳудудида:

- меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори — 1 050 000 сўм;
- базавий ҳисоблаш миқдори — 340 000 сўм;
- пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори — 372 000 сўм;
- ёшга доир энг кам пенсия — 725 000 сўм;
- ногиронлик пенсиялари, жумладан иш стажы тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори — 800 000 сўм;
- меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ва болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа — 800 000 сўм;
- белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан (725 000 сўмдан) 800 000 сўмгача пенсия олувчиларнинг ёшга доир пенсиялари — 800 000 сўм;
- зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги фуқароларга бериладиган нафақа — 608 000 сўм;
- иш стажы тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — 608 000 сўм.

МАЪНАВИЯТ РАҲБАРДАН БОШЛанади

«Барчамиз биргаликда обуна бўлдик»



Раҳбар бирор ишда яхши натижага эришишни истаса, албатта, ходимларига шахсий намуна кўрсатиши шарт. Шу маънода ўқиш ва ўз устимда мунтазам ишлаш мақсадида биринчилар қаторида «Mahalla» газетасига обуна бўлдим. Сабаби, тизим ҳаёти ҳақида батафсил маълумот берадиган бу нашрнинг фаолиятимизда тутган ўрни ғоят муҳим.

Буни қарангки, туманимиздаги 57 та маҳалла раисларининг барчаси ўз ташаббуси билан, жонбозлик кўрсатиб, «Mahalla» газетасига обуна бўлди. Улар малака ошириб бориш, билим олиш, бугунги ўзгаришлар билан ҳамнафас яшашнинг ижобий кўрсаткичларни қўлга киритишда нечоғли муҳим эканини жуда яхши билишади. Зеро, ҳаммамиз бир йўлдамиз!

Ғайратжон ЭШОНХОНОВ,
Боғдод тумани камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Судланган фуқаро раисликка сайланадими?

Рустамжон ЮСУПОВ,
Қўштепа туманидаги «Кўприкбоши» маҳалласи раиси:

— Кейинги йилларда маҳалла раислигига сайлов такомиллашиб, энг муносиблар бу лавозимга қўйилмоқда. Аммо гоҳида аҳолидан айрим эътирозлар бўлади. Яъни, ўз ҳудудидаги маҳалла раиси аввал судланган бўлса-да, сайловда иштирок этгани ва фаолият олиб бораётгани ҳақида ўқиб қоламиз. Қонунчиликда шундай бўлиши мумкинми? Судланган фуқаро маҳалла раислигига сайланадими?

Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ,
«Мадад» ННТ ҳуқуқшуноси:

— «Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасида «Фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, қоида тариқасида, олий маълумотга эга, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларида ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш, шунингдек ҳаётини тажрибага ва



аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, оғир ёхуд ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлик олиб ташланмаган шахслар, шунингдек суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган, ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар, диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари фуқаролар йиғини раиси лавозимига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

Бундан кўриниб турибдики,

судланган шахслар ҳам маҳалла раислигига сайланиши мумкин. Бунда агар шахс оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган бўлса ва бунинг учун суднинг ҳукмига асосан унга жазо тайинланган бўлса, шу жазони ўтаб бўлгандан кейин Жиноят кодексининг 78-моддасида кўрсатилган муддат ўтгандан кейин ёки шу кодекснинг 79-моддасига кўра, судланганлик ҳолати олиб ташлангандан кейин номзодини қўйиши мумкин. Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятни содир этганлик учун судланганлик муддатини ўтиши шарт эмас.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Таъминотда иссиқ сув ҳарорати пасайса...

Олимжон ХОЛМУРОДОВ,
Гулистон шаҳридаги «Буюк келажак» маҳалласи раиси:

— Айни кунда ҳавонинг кескин совуши натижасида айрим кўп қаватли уйларда иссиқлик тизими ва иссиқ сув таъминотида муаммо кўзга ташланиши мумкин. Айнан бизнинг маҳаллада бу каби ҳолат учрамаган бўлса-да, бир саволга ойдинлик киритмоқчиман. Агар фавқулодда шундай муаммо содир бўлса ва кўп қаватли уйларда иссиқ сув ҳарорати пасайиб кетса, истеъмолчига қандай имтиёз яратилган?



Исломжон АБДУРАҲИМОВ,
«Мадад» ННТ ижрочи директор ўринбосари:

— Бу масала «Коммунал хизматлар кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра тартибга солинган. Унга мувофиқ қабул қилинган «Кўп квартиралар уйларда иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатиш қоидалари»да марказий тизимга уланган хонадонларда иссиқ сув 50-75°C бўлиши белгиланган. Иссиқ сув ҳароратининг йўл қўйиладиган четга чиқиши тунги вақтда (соат 0:00 дан соат 05:00 гача) — 5°Cдан, кундузги вақтда (соат 05:00 дан соат 00:00 гача) — 3°Cдан ортқ бўлмалиги керак. Ушбу қоидага асосан, иссиқ сув ҳарорати-

нинг ҳар бир 3°C орқага қайтиши юз берган ҳисоб-китоб даври учун иссиқ сув таъминоти тўлов миқдори бундай ҳисоб-китоб давр учун белгиланган тўлов миқдорининг 0,1 фоизига, чекинишнинг ҳар бир соати учун ушбу Қоидаларнинг IX-XI бўлимлари ҳисобга олинган ҳолда пасаяди. Сув олиш нуқтасида ҳарорат 40°Cдан паст бўлган иссиқ сув берилишининг ҳар бир соати учун ҳисоб-китоб даври давомида жами истеъмол қилинган сув учун тўлов ичимлик сув таъминоти хизматлари учун истеъмолчиларнинг тегишли гуруҳи учун тариф бўйича амалга оширилади. Яъни, агар иссиқ сув юқоридаги талабларга жавоб бермаса, учун тўловлар ичимлик суви тарифида тўланади.

БИЛАСИЗМИ?

Тақинчоқлар ясаса, ўзини банд қилган ҳисобланадими?

100 дан ортқ фаолият билан ўзини ўзи банд қилган ҳолда шуғулланиш мумкин. Қолаверса, аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кўшимча шарт-шароитни яратиш мақсадида ўзини ўзи банд қиладиган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатига куйидагилар киритилган:



қайта ишланган жундан кийимлар ва бошқа буюмлар тўқиш;
уй шароитида лойдан тандир тайёрлаш;
атлас ва адрас тўқиш;
майда мунчоқ (бисер) тикиш;
дўппидўзлик маҳсулотларини уй шароитида тайёрлаш;
темирчилик маҳсулотларини уй шароитида тайёрлаш;
асаларичилик, шунингдек, асалари уяси ва рамкаларини ясаш;
қуроқчилик усулида кўйлак, кўрпа ва ёпинчлар тикиш;
кўзиқорин териш, уй шароитида етиштириш ва сотиш;
пичоқ тайёрлаш, чархлаш ва сотиш;

қоғоздан қутилар, бандероллар тайёрлаш;
уй шароитида иссиқхона маҳсулотларини етиштириш;
тайёр маҳсулотга этикетка бириктириш;
уй шароитида болалар ўйинчоғи ишлаб чиқариш;
уй шароитида супурги етиштириш ва тайёрлаш;
ясси оёқли болалар оёқ кийимларини тайёрлаш;
миллий тақинчоқлар ясаш;
қандакорлик, мисгарлик буюмларини уй шароитида тайёрлаш;
дағал жундан гилам, кўрпа ва ёстиқ тайёрлаш.

МАЪНАВИЯТ РАҲБАРДАН БОШЛАНАДИ

«Фойдали маълумотга
эга бўляпмиз!»

Иброҳим ШЕРМАТОВ,
Нурафшон шаҳар камбағалликни қисқартириш
ва бандлик бўлими бошлиғи:

– Мутолаа инсоннинг саводини, билимини, маънавиятини оширади. Шу сабаб китоб билан бирга, газета ўқишни доимий анъанага айлантирганмиз. Айниқса, маҳалла тизими ва ҳаёти ҳақида «Mahalla» газетаси ва «Mahalla ko'zgusi» журнали орқали фойдали маълумотларга эга бўламиз.

Жамоамиз билан 2024 йил учун ҳар икки нашрга обуна бўлдик. Бундан ўрнак олган 22 та маҳалла раисларининг барчаси ўзлари учун муҳим бўлган нашрлар – «Mahalla» газетаси ва «Mahalla ko'zgusi» журналига обунани расмийлаштиришди.

НУҚТАИ НАЗАР

«Ер топсак, бино
қуриш муаммо эмас»

«Кулоллик» – қадимий маҳалла. Илгари бу ерда кўплаб кулоллар сулоласи бўлган. Йиллар ўтиб, аҳоли зичлашиб борган. Ўз навбатида, кулолчилик билан шуғулланишга зарур шароит етарли бўлмагач, кўпчилиги бошқа ҳудудларга кўчиб чиқишган.



Ҳозирда кулолчилик билан шуғулланаётганлар йўқ. Кулоллар сулоласининг давомчилари ака-ука Амириддин ва Ғайбулла Ибодуллаевлар тадбиркорликнинг бошқа йўналиши билан банд.

Бугунги кунда «Кулоллик»да кулоллар йўқ, лекин юздан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналарига эга йирик тадбиркорлар бор. Улар маҳаллада бўш ер бўлмагач, ўз тадбиркорлигини «Ургут» эркин иқтисодий зонасида ташкил этишган.

Фахрланарлиси, «Urgaz», «SAG GROUP», «Ideal», «Yashankartez» каби ўнлаб корхона эгалари шу маҳалладан. Маҳалла ифтихорлари кўп. Ёшлар Англия ва Хитойдаги нуфузли олий таълим муассасаларида таълим олишмоқда.

Дарвоқе, «Ургут» эркин иқтисодий зонасининг ташкил этилиши ургутликлар учун катта имкониятлар яратди. Тадбиркорлар сафи кенгайиб, ишсизлик бартараф этилди. «Кулоллик» маҳалласи аҳолисининг саксон фоизи ушбу саноат зонасидаги турли корхоналарда меҳнат қилмоқда. Шу сабаб йиғинда деярли ишсизлар йўқ.

Уйда ўтирган хотин-қизлар касаначилик билан шуғулланиб, кўшимча даромад топяпти. Жумладан, «Аёллар дафтари»да рўйхатда турганларнинг 30 нафари тикув машинаси олиб, тикувчилик қилмоқда. Улар Машраб Йўлдошев, Карим Раҳимов каби тадбиркорлар ишлаб чиқараётган кўрпа-тўшак, бош кийимларни тайёрлашда яқиндан кўмаклашмоқда.

Хуллас, ҳамма турли юмушлар билан банд. Шу сабаб, жиноятчилик, оилавий ажралишлар йўқ. Мақсадимиз, ўқувчилар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб, билимли кадрлар етиштиришдир.

Биргина муаммо, маҳалла идораси йўқ. Эски Имом Хасан жоме масжидида фаолият олиб боряпмиз. Маҳалла биноси қуришга кўмаклашадиган тадбиркорлар бор, бироқ бўш ер топиш муаммо бўляпти. Икки юз ўринли давлат боғчаси замон талабларига жавоб бермайди. Шу боис уни қайта таъмирлаб, 300 ўринга ошириш керак. Шунингдек, электр таъминотини яхшилаш учун 43 та бетон устун ва битта трансформатор зарур.

Дилфуза МАХМАДАМИНОВА,
Ургут туманидаги «Кулоллик» маҳалласи раиси.

НИГОҲ

«Фуқаролар мурожаати
ҳоким назоратида»

Маҳалла шаҳар марказида – «Шовот» канали бўйида жойлашган. 580 та хонадондан иборат. Аҳолининг эллик фоизи давлат ташкилотларида меҳнат қилади. Қолган қисми тадбиркорлик соҳасида. Асосан, новвойчилик билан шуғулланади.

«Жингавуз»нинг миллий нон ва патирлари анча машҳур. Айниқса, қизил нон, қора нон, кепак нон, кади нон, қатлама патирларнинг харидори кўп. Муқаддас Каримова нон бизнесини биринчилардан бошлаган тадбиркор аёл. У дастлаб хонадонидан кичкина тандирда нон ёпиб, сота бошлаганди. Кейинчалик «Аёллар дафтари»га киритилиб, 33 миллион сўм кредит эвазига битта тандирини учта қилиб, нон турларини кўпайтирди. Бугун у ижтимоий дафтарларга киритилган 40 нафар фуқарони ишли қилди.

Феруза Шарипова тажрибали новвойчилардан. Қудрат Бобожонов талабдан келиб чиқиб, қолипни нон ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этди. Ҳозир бу ерда юз нафардан зиёд аёллар ишлайди.

Тадбиркорликнинг энг кўп йўналишларидан бири, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш-

дир. Айни пайтда 19 та тадбиркорлик субъекти шу йўналишда фаолият юритмоқда.

Маҳаллада шаҳар ҳокими бошчилигида сайёр қабуллар ўтказиб турилади. Куни кеча ташкил этилган сайёр қабулда 25 нафар фуқаронинг мурожаати тингланди. Мулоқотда шаҳар ҳокими янги қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кўргазмалли воситалар асосида тушунтириш билан бирга, фуқароларнинг иш ҳақини ундириб бериш, пенсия тайинлаш ва коммунал соҳалардаги муаммолар юзасидан мурожаатларини тегишли тартибда кўриб чиқиш учун назоратга олди. Вақт ва ўрганиш талаб этиладиганлари ижроси бўйича мутасадди идора ва ташкилотларга тегишли топшириқлар берилди.

Келгусида «Шовот» каналининг ўнг қирғоғида кексалар боғини ташкил этиб, нуронийлар суҳбат қурадиган маскан қуриш ниятидамиз. Шунингдек, соғломлаштириш маркази ҳамда мономарказнинг филиали сифатида ўқув марказ ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Наргиз ШАРИПОВА,
Урганч шаҳридаги
«Жингавуз» маҳалласи раиси

ТАЖРИБА

«Эко ва агротуризм
салоҳияти юқори»

Маҳалла тоғ-ёнбағрида жойлашган. Табиати, ҳавоси ажойиб. Ери унумдор. Уч минг гектар узумзор бор. Узумларнинг «кишмиш», «тойпи», «ризамат» навлари экилади. Йилга минг тонна узум экспорт қилинади.

Бундан ташқари, вино заводга бир ярим минг тонна узум топширилади. Маҳаллада тўққизта йирик музлаткич омборхоналар мавжуд. Унда боғбон фермерлар пишиб-етилган узумларни табиий сақлаб, қиш ва баҳор ойларида бозорга чиқаради. Шунда даромад икки хисса бўлади.

Аҳоли томорқа майдонларида гилос етиштиради. Ҳар бир хонадондаги ҳосил тўпланиб, экспорт қилинади. Ун сотиш томорқаси бор одамлар гилоснинг ўзидан ўртача 40-50 миллион сўм даромад олади. Қолганини ўзингиз хисоблаб олаверинг энди.

Маҳалланинг эко ва агротуризм салоҳияти юқори. Шу сабаб бу ерга сайёҳлар кўп келади. Айниқса, баҳор ой-

ларида кўк сомсаларга талаб юқори бўлади. Бунга яхши англаган аҳоли сайёҳларга қулай манзилларда сомса тайёрлаб сотади. Худудда икита меҳмонхона ва кўплаб меҳмон уйлари бўлиб, уларнинг сони янада ортиши кутилмоқда.

Жорий йилнинг 15-16 сентябрь кунлари маҳалла худудида хорижликларга туризм салоҳиятини кенг намойиш этиш, миллий маҳсулот брендининг жаҳон бозорида муносиб ўринга эга бўлишини таъминлаш, қадимий узумчилик ва виночилик тажрибаси ҳамда боғдорчилик маҳсулотларининг ноёб тур ва навларини кенг оммалаштириш мақсадида «Узум сайли» халқаро фестивали ўтказилди. Икки кун давом этган фестивалда Корея, Сингапур, Беларусь, Грузия, Озарбайжон каби 30 дан ортиқ давлатларнинг виночилик соҳасида йирик ва етакчи компаниялари вакиллари иштирок этди. Фестиваль доирасида кўнгилчор концерт дастурлари, илмий-амалий семинарлар ташкил этилиб, турли номинациялар бўйича республика



кўрик-танловлари, хорижий ва маҳаллий мутахассислар томонидан маҳорат дарслари, бизнес лойиҳалар, экотуризм ва узумчилик соҳасида эришилган натижалар тақдироти ўтказилди.

Қувонарлиси, келгусида Наврўз умумхалқ байрами шу ерда ўтказиладиган бўлди.

Рухидулло АБДИЕВ,
Паркент туманидаги Тожибой
Ризаев номли маҳалла раиси

НУҚТАИ НАЗАР

«Муаммолар қаршисида раис ёлғиз қоларди...»

Маҳалламиз шаҳар ҳудудида жойлашган, 27 та кўп қаватли уй бор. Президент топшириғи асосида ҳудуддаги ҳар бир маҳаллага ажратилган 2 миллиард сўм маблағ эвазига кўп қаватли уйларнинг барчасида фасад қисми пардозланди, мавжуд 4 та кўчанинг барчасига асфальт ётқизилди, 2 та янги болалар ўйингоҳи қурилиб, мавжудлари таъмирланди. Пиёдалар йўлакчаси, автотураргоҳ ташкил этилди.



Бунёдкорлик ишларига ҳамоҳанг тарзда бандлик, ижтимоий ҳимоя масалаларида қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Хусусан, жорий йил бошида маҳаллада 20 нафардан зиёд ишсиз рўйхатга олинган бўлса, бугун уларнинг барчаси иш билан таъминланди. Бунда уларнинг 7 нафарига субсидия, 6 нафарига имтиёзли кредит ажратилди, 7 нафари касб-хунарга ўқитилди, яна 3 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди. Ҳозирда маҳалла ҳудудида 5 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция маблағлари ҳисобидан

тўққиз қаватли тураржой ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари мажмуаси бунёд этилмоқда. Келгуси йилда бу ерда маҳалла аҳлининг бандлиги таъминланади.

Ўзим 2016 йилдан буён маҳалла тизимида ишлайман, ўтган йили йиғин раиси сифатида сайландим. Очиғи, сўнгги йиллардаги ўзгаришларни маҳалла ходимлари анча вақтдан бери кутаётганди. Муаммолар маҳалланинг ўзида ечим топиши, аҳолига имтиёзли кредит ва субсидия учун тавсияномалар бериш, одамларни шу ернинг ўзида

ишли қилиш каби ҳолатларни орзу қилардик. Айниқса, «маҳалла бешлиги» тизимининг йўлга қўйилгани анча самарали бўлди. Ҳар бир ходим қайсидир йўналиш бўйича ўз ишини олиб боради.

Бироқ айна жараёнда бутизимга айрим ўзгартиришларни киритиш зарурати туғилди. Гап шундаки, ҳар бир ходимнинг юқори турувчи ташкилоти бор. Демакки, уларнинг иш тартиби, фаолият йўналишини улар белгилайди, ходимлар ҳисоботни айнан уларга топширади. Шундай вақтлар бўлдики, маҳалла раиси ҳудуддаги масалалар билан ёлғиз ўзи шуғулланишга мажбур бўлиб қолди. Ходимларга айтсангиз, «юқоридан» топшириқ бўлганини айтади, бу ҳолатда уларни на мажбурлай оласиз, на назорат қиласиз. Маҳалла раиси қоғоздагина уларнинг ишини мувофиқлаштиради...

Шу маънода «маҳалла еттилиги» ташкил этилиб, раисларга қатор ваколатлар, жумладан, юқори турувчи органларга ходимларни рағбатлантириш ёки уларни интизомий жазога тортиш ҳақида тақдимнома киритиш, ойлик маошларини тасдиқлаш ҳуқуқи берилгани ишимизни янада самарали қилади. Маҳалла раиси эндиликда қайси ходимнинг нима иш билан шуғулланаётгани, қаерда юргани, қачон меҳнат таътилига чиқишию қачон ишга қайтишини билиб туради. Бир сўз билан айтганда, раис том маънода маҳалла раҳбарига айланади.

Гўзал АБРАМАТОВА,
Термиз шаҳридаги
«Жайхун» маҳалласи раиси.

ТАЖРИБА

«Тарбияда барчанинг мажбурияти белгиланган»

Маҳалламиз тўртта қишлоқдан иборат бўлиб, инфратузилма, ижтимоий масалаларда бир неча йилдан буён қатор муаммолар йиғилиб қолганди. Жорий йилнинг август ойида Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов маҳалламизда аҳоли билан ўтказилган учрашувда масъулларга ҳудуддаги 8 та маҳалла инфратузилмасини яхшилаш бўйича тегишли вазифаларни белгилаб берган эди.

Топшириққа асосан, «Нурафшон» йиғинида қисқа фурсатда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Хусусан, ички йўлларнинг 4,2 километр қисмига асфальт, 6 километр қисмига қум-шағал аралашмаси ётқизилди. 2,3 километр тармоқ тортилиб, 62 та хонадон тоза ичимлик сув билан таъминланди. Қолаверса, 2,5 километр электр ҳаво тармоғи тортилиб, 80 та янги темир-бетон устунлар, 35 та қуёш панелли тўнги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Кам таъминланган битта оилага ҳомийлик асосида янги уй қуриб берилди.

«Маҳалла бешлиги» билан ҳамкорликда 2024 йилда қилиниши ло-

зим бўлган ишларни режалаштириб олганмиз. Хусусан, аёллар бандлигини таъминлаш мақсадида тикув цехи фаолияти йўлга қўйилади. Иккита қишлоқда трансформаторлар алмаштирилади, ички кўчаларнинг 2,8 километр қисми асфальт қилинади. Қатор соҳаларда имтиёзли кредитдан фойдаланиб, аҳоли бандлигини таъминлаш чораларини кўрамиз.

Яна бир жиҳат: келгуси йил аввалида маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантириш бўйича ҳамкор ташкилотлар — таълим муассасалари, ёшлар ташкилоти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро келишув имзолаймиз. Ёшлар тарбиясида ҳар бир тузилманинг мажбуриятлари белгиланади. Шу асосда уларни кузатиб, назорат қилиб борамиз. Қолаверса, бу ўринда «Бир нуруний ўн ёшга масъул» тамойили асосида тажрибали отахонлар тарбияси оғир, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бор ёшларга бириктирилади.

Худди шундай — ёшларда ватанпарварлик туйғусини кучайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни амалга оширамиз. Мисол учун, уларни ҳарбий хизматга қизиқтириш, турли танловларга жалб этиш,



миграциянинг олдини олиш бўйича тизимли ишлаймиз. Бунда ҳарбий хизматнинг муқаддас бурч экани турли тарғибот тадбирлари орқали сингдирилса, миграция масаласи шу ернинг ўзида даромад топиш имконини берадиган иш ўринларини яратиш, ўзини ўзи банд қилишга рағбатлантириш орқали ҳал этилади.

Илҳом ХЎЖАЁРОВ,
Узун туманидаги «Нурафшон»
маҳалласи раиси.



Жўрабой
ОДИНАЕВ,
Бўстонлик
туманидаги
«Яккатут»
маҳалласи
раиси.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

«Mahalla»дан гапирсак, одамлар ишонади»

— Раҳбар гапини бирор манбага асосланиб гапирса, унга халқ ишонади. Бунинг учун мен биринчи навбатда «Mahalla» газетасига мурожаат қиламан. Унда чоп этилаётган ҳар бир мақоладан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламан.

Раисларнинг иш тажрибасими, таклифларими ёки савол-жавобларми, барча-барчасини ўқиб чиқаман. Билмаган нарсаларимни ўрганаман. Аҳоли билан учрашганда газетада эълон қилинган мақолаларни муҳокама қиламиз. Маҳалламиз доимий фойдалангани учун нашрга биринчилар қаторида обуна бўлдик.

БУНЁДКОРЛИК

Ҳаётни ўзгартираётган мезонлар

«Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезонлари асосида Узун туманидаги «Янгийўл» маҳалласида барпо этилган объектлар фойдаланишга топширилди.



Дастур доирасида маҳаллада 262 та хонадонни таъмирлаш, 12 та кўчадаги йўлларнинг 1,8 километр қисмини шағаллаш, 4,3 километр қисмини асфальтлаш, 2 та трансформатор пункти қуриш, 120 та темир-бетон устунлар ўрнатиш, 2 километр газ тармоғини таъмирлаш ҳамда 2,3 километр узунликдаги янги ичимлик сув қувурини тортиш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, 1 километрдан ортиқ асфальтланган йўлда воиш усулида узум етиштириш йўлга қўйилиб, воиш устунлари ўрнатилди. Сайилгоҳ, «Workout» майдончаси, мини-стадион барпо этилди. 127 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланб, 4 киши тадбиркорлик фаолиятини бошлади.

Дастур асосида Бандихон туманидаги «Лимонзор» маҳалласида фуқаролар йиғини учун янги бино қурилиши қизғин давом этмоқда. Уй-жойи таъмирлаш муҳтож ва ўта оғир шароитда яшаётган 122 та оиланинг хонадонлари жорий ва капитал таъмирлаб берилмоқда. Ҳозиргача хонадонларга 14 тоннадан ортиқ кўмир етказиб берилди, 8 километр ички ариқ ва зовурлар тозаланди. 23 та кўчада тозалаш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. 2,9 километр узунликда янги электр тармоғи тортилди.

Худди шундай, Музработ туманидаги «Боғи эрам», Шўрчи туманидаги «Хушчекка» маҳаллаларида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар ҳудудларни янада кўркам, обод масканга айлантириб, одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига қулай имкониятни юзага келтираётир.



Отабек
ОЧИЛОВ,
Иштихон
туманидаги
«Бешбола»
маҳалласи
раиси.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

«Mahalla» изланиш ва ҳаракатда асқатади!

— Ҳар бир маҳалла раиси ҳудуди обод, аҳолиси фаровон ҳаёт кечиришини истайди. Шу мақсад йўлида тинимсиз меҳнат қилаётган, жон куйдираётганлар жуда кўп орамизда.

Изланиш ва ҳаракат бўлган жойда доим ўсиш ва ривожланиш бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Бу жараёнда «Mahalla» газетаси ва «Mahalla ko'zdisi» журналидан беминнат фойдаланиб келямиз. Барча саволларимизга батафсил жавоб оляймиз. Шунинг учун ҳар икки нашрга келгуси йилга обуна бўлдик.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Раҳмат ЭГАМБЕРДИЕВ,
Зарбдор туманидаги
«Тошкескан» маҳалласи
раиси:



— Маълумки, кўп квартиралар уй ертўласида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиби белгиланган. Аммо гоҳида маҳалла ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйда яшовчи фуқаро уй ертўласи тадбиркорга берилгани бўйича шикоят қилади. Яъни, тадбиркор фаолияти аҳолига ҳалақат бераётгани зиддиятга сабаб бўлади. Айтингчи, кўп қаватли уй ертўласида қандай тадбиркорлик турига рухсат берилган ва бунда шу ерда яшовчилар фикри инобатга олинандими?

Ертўла учун мулкдорлардан розилик керак

Акмал ОЧИЛОВ,
«Мадад» ННТ бош мутахассиси:

— Ертўладан фойдаланиш мумкин бўлган фаолият турлари Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрдаги қарори билан тасдиқланган «Кўп квартиралар уйнинг ертўласидан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги низомда белгиланган. Жумладан, озик-овқат ва но-озик-овқат товарлари билан савдо қилиш (дўкон, киоск, дўконча ва бошқалар), маиший хизмат кўрсатиш (сартарошхона, пойабзал тикиш ва таъмирлаш, оптика, соат созлаш устaxonалари, тикувчилик ва каштачилик, ателье), умумий овқатланиш (ресторанлар, кафе, кафетерийлар, музқаймоқ ва чанқовбосди ичимлик барлари, газакхоналар), банк хизматлари кўрсатиш (банкларнинг бўлимлари ва валюта алмаштириш пунктлари) каби яна 15 дан ортик фаолият билан шуғулланишга рухсат берилган.

Саволни иккинчи қисмига тўхталадиган бўлсак, ертўла — кўп квартиралар уйдаги жой мулкдорларига умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган яшаш учун мўлжалланмаган жой ҳисобланади. Яъни ертўлалар бир шахснинг ёки бир фуқаронинг ягона мулки бўлмай, кўп қаватли уйда яшовчиларнинг умумий мулки. Демак, ундан бошқа мақсадда фойдаланишда шу уйда яшовчилар фикрини инобатга олиш шарт. Бу тўғрисидаги норма «Кўп квартиралар уйнинг ертўласидан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги низомда, «Кўп квартиралар уйларни бошқариш тўғрисида»ги қонунда, Фуқаролик кодексининг 221-моддасида, Уй-жой кодексининг 124-моддасида белгилаб қўйилган. Хулоса қилиш мумкинки, ертўла шунчаки ҳоким қарори ёки қурилиш ташкилоти сотиши эвазига мулкдорга берилмайди. Ертўладан фойдаланиш кўп квартиралар уйдаги мулкдорларнинг розилигига асосан амалга оширилади.

ТАКЛИФ

«Бинонинг қурилиши нега кечикяпти?»

Маҳалла учун 2023 йил самарали яқунланмоқда. Инфратузилма билан боғлиқ муаммолар аста-секин ечимини топмоқда. Мисол учун жорий йилда ҳудудни «Бобур» маҳалласи билан боғловчи кўприк қурдик. Темир-йўлчилар ўтиш жойига ҳашар йўли билан 8/4 ҳажмда ўтиш йўли барпо этдик.



Электр таъминотини яхшилаш мақсадида Темирйўлчилар кўчасига 4 дона бетон устун, Сайхун кўчасига трансформатор ўрнатдик. Бунга қўшимча 200 метр масофада кабель тортилди. Ўзбекистон-1 кўчасининг 600 метри, ҳашар йўли билан яна 2 км. узунликдаги ички кўча шағалланди. 1,5 км. узунликдаги йўл чети бетонланди.

Қилинган ишлар билан бирга қилиниши лозим юмушлар йўқ эмас. Мисол учун, маҳалла Андижон ва Наманган вилоятини боғловчи ҳудудда жойлашгани учун катта трассани икки томонига жами 2,5 км. масофада пиёдалар йўлаги қуриш лозим. Бу таклифни «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузил-

масини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори бўйича қабул қилинадиган дастурга киритганмиз. Бундан ташқари, 3 км. масофадаги кўчани асфальтлаш керак. Ҳозиргача 1,5 км. қисми асфальтланди. Биз учун яна бир оғриқли муаммо

Таҳририятдан: Жавобдаги айрим рақамлар кишини ўйга толдириб, яна савол пайдо қилди. Мисол учун, 2018 йилда маҳалла биноси учун ер ажратилган бўлса, нега унинг ижроси 6 йилга чўзилди? Агар Президентнинг «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан дастурга киритилган бўлса, 2024 йилда ижро бошланиши қанчалик тўғри? Чунки юқоридаги қарор ўз номига кўра, жорий йил яқунланади. Бизда туғилган шу каби саволлар жавоб хати вазиятдан чиқиш учун ёзилган, деган хулосага асос бўлмоқда. Норин тумани ҳокимлиги мутасаддиларидан ҳолатга аниқлик киритишни кутиб қоламиз.

— маҳалла биноси йўқлиги. Тўғри, ҳозир вақтинча хусусий тадбиркор Баҳром Ботиров балансида бўлган 3 та хонадан иборат бинода фаолият олиб боряпмиз. 2018 йилда Норин тумани ҳокимининг 2018 йил 19 июндаги қарори билан «Янги тонг» маҳалласига ер ажратиш бўйича қарор чиққан. Бинони қуриш учун Ўзбекистон шоҳ кўчасидан 0.05 сотих ер майдони ажратилиб, Президентнинг юқорида келтирилган қарорига асосан дастурга киритилган. Масъулларнинг айтишича, қурилиш ишлари 2024 йил август ойидан бошланади.

Ўрни келганда ҳудудга хос муаммоларни ечими юзасидан таклифлар билдирмоқчиман. Яъни, маҳалла кўчаларидаги 180 дона симёғочни бетон устунга алмаштириш керак. Бу таклиф бўйича раҳбариятга, туман электр тармоқлари корхонасига ёзма мурожаат қилганмиз. Ўйлаймизки, мутасаддилар мурожаатини безътибор қолдирмайди.

Ҳалимжон СОИПОВ,
Норин туманидаги «Янги тонг»
маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

«Фойдаланилмайдиган ердан солиқ ундириладими?»

Худоёр АНОРҚУЛОВ,
Гулистон туманидаги
«Теракзор» маҳалласи раиси:

— Маҳалла ҳудудида яшовчи айрим фуқаролар ҳовли жойининг бир қисми суғорилмайдиган, яъни лалмикор ва фойдаланилмайдиган ердан иборат. Мана шундай аҳоли вакилларида солиқ ундириладими? Ундирилса, қандай тартибда бўлади?

Дилдора ҲОШИМОВА,
Солиқ кўмитаси
ахборот хизмати раҳбари:

— Солиқ кодексининг 434-моддасида солиқ солиш объекти бўлган ер участкалари рўйхати келтирилган. Шунга кўра, жисмоний шахслардан ер солиғи ундирилади.

Жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун, шунингдек деҳқон хўжалигини юритиш учун, яқка тартибда уй-жой қурилиши учун, жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган, яқка тартибдаги ва жамоа гаражлари эгаллаган ер участкалари солиқ солиш объекти сифатида қайд этилган.

Шунингдек, хизмат юзасидан берилган чек ерлар, мерос бўйича,



ҳадя қилиниши ёки сотиб олиниши натижасида уй-жой ва иморатлар билан биргаликда мулк ҳуқуқи, эгаллик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтган, қонунчиликда белгиланган тартибда мулк қилиб сотиб олинган, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари ҳам бу таркибга кирилади.

Солиқ кодексининг 435-моддасига асосан, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органни маълумотлари бўйича ер участкалари майдони солиқ базаси ҳисобланади.

Солиқ ставкалари даҳа, массив, маҳалла ва кўча кесимида улар-

нинг ижтимоий инфратузилмаси (электр энергияси, табиий газ, сув билан таъминланганлик даражаси) ва иқтисодий ривожланишидан келиб чиқиб, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан белгиланади. Солиқ ер майдонини солиқ ставкасига кўпайтириш йўли билан ҳисобланади.

Ҳовли(турар жой)лар эгаллаган ер учун солиқ ҳисоблашда суғорилмайдиган ва суғорилмайдиган, деган тушунча йўқ. Мазкур бўлиниш фақат қишлоқ хўжалиги ерлари учун ишлатилади. Шунингдек, ажратилган ер майдонидан фойдаланиш ёки фойдаланмасликдан қатъи назар, ер солиғи ҳисобланиб, солиқ тўланади.

МУАММО

«Бир талай муаммолар ечимини бир умр кутамизми?»

Маҳаллада бир талай муаммолар мавжуд. Хусусан, йиғин ҳудудидан ўтувчи катта йўл четдаги бекатда пиёдалар ўтиши учун йўл белгиси чизилган. Бироқ шунга қарамасдан «ўпкасини» босолмайдиган ҳайдовчилар дастидан кўплаб автохалокатлар юз бермоқда. Айниқса, йўлнинг утомонидаги мактабга қатнайдиغان ўқувчиларнинг ота-оналари доим хавотирда ўтиради.

Аҳолининг ҳақли эътирозларидан келиб чиқиб, пиёдалар ўтиш жойига светофар ўрнатиб бериш юзасидан шаҳар ҳоқимига, йўл ҳаракати хавфсизлиги раҳбарига мурожаат қилдик. Афсуски, ҳамон муаммо муаммолигича қолмоқда.

Маҳалладаги эски, қийшайиб қолган симёғочларни янги бетон устунларга ўрнатиш зарур. Бу борада туман электр тармоқлари корхонаси раҳбарига амалий ёрдам беришларини сўраб, икки марта мурожаат қилинган. Натижа йўқ, фуқаролар айтавериш чарчади.

Йиғиннинг Тинчлик кўчасидаги кўп қаватли уйлар том қисмини шиферлаш зарур. 20, 22, 24, 26-кўп қаватли тураржойлар оғир аҳволда – ташқи қисмлар, ойналари таъмирталаб, иситиш таъминоти яхши ишламайди. Бу муаммолар юзасидан тегишли ташкилотларга мурожаат қилинган, бироқ ҳамон ама-

лий ёрдам йўқ. Аҳолининг эътирози кун сайин ортиб бормоқда. Наиложликдан «Жек»нинг ишини ўзимиз қиялпмиз. Имкониятдан келиб чиқиб, ёшлар етакчиси билан 30-уйнинг эшикларига ранг бердик.

Аксарият аҳоли «Олмалиқ кон-металлургия комбинати»да ишлашади. Шу сабаб жамоат транспортдан қийналишмоқда. Ўтган йилдан буён шу масалада 9-йўналишли такси парки раҳбарига мурожаат қилиб, маҳаллага кўшимча транспорт қўйилса, одамлар оғири енгил бўлишини айтиб келамиз. Афсуски, натижа бўлмапти.

Ўз ташаббусимиз билан маҳалланинг асосий кириш кўчаларига иккита арка ўрнатдик. Самарқанд кўчасига 500 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилдик. Шу кўчадаги уйлар олдида бетон ариқлар қўйилиб, болалар ўйингоҳи қуриляпти.

Етмиш йилдан буён маҳалла ёшларининг спорт билан шуғулланиши учун бирор спорт майдони қурилмаган. Шу сабаб келгусида стадион қуриб, ички йўлларни асфальтлашни режалаштирялпмиз.

Азиз ЯХШИЕВ,
Олмалиқ шаҳридаги
«Мустақиллик» маҳалласи раиси.



ТАЖРИБА

«Дорихона, дўкон кўп, аммо кутубхона кам»



Маҳалла туман марказида жойлашган. Аҳолининг саксон фоизи давлат ташкилотларида ишлайди. Қолган қисми савдо-сотик, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади.

«Аёллар дафтари»да турган хотин-қизларнинг аксарияти мономарказда ўқиб, субсидия асосида тикув машиналари олиб, тикувчилик қилмоқда. Қандолатчилик билан шуғулланаётган хотин-қизлар кўп. Улардан бири Малоҳат Боёзова шу йўналишда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, турли ширинликлар тайёрламоқда. Маҳсулотлари талабгир, тўйлардан, аҳолидан буюртмалар тўхтамайди. Малоҳат шу соҳага қизиқадиган қизларга хунар ўргатмоқда.

Яна бир тадбиркор Насиба Маткаримова аёллар гўзаллик салонини юритаётган бўлса, Наргиза Ғоипова қўл меҳнати ёрдамида турли гуллар ясаб, кўшимча даромад топяпти.

Худудларда дорихона ёки спиртли ичимликлар дўконини учратиш мумкин, лекин китоб дўконини топиш бироз мушкул. Ёш тадбиркор Раҳима Рўзметова ана шу муаммони ҳал этиш учун маҳаллада китоб дўконини ташкил этди. Савдо яхши, даромад ҳам шунга яраша. Энг муҳими, аҳолига зиё улашмоқда.

Мебелчи тадбиркор ўттизга яқин фуқарони

ишли қилиб, аҳолига сифатли, арзон нархларда маҳсулотлар етказиб бермоқда. Бу ерда маҳалла ёшлари «устоз-шоғирд» аънанаси асосида хунар ўрганишмоқда.

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг 6 нафарига субсидия асосида асбоб-ускуналар олиб берилди. Ҳозирда бу ёшлар ўзларини банд қилиб, оилаларига кўшимча даромад олиб келмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган 8 нафар иқтидорли талаба-ёшларнинг тўлов контракт пуллари қопланди. 3 нафар ёшнинг кўзида жарроҳлик амалиётини ўташи учун харажатлари тўланди.

«Беш ташаббус олимпиадаси»нинг иккинчи мавсумида маҳалла ёшлари фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллади. Жумладан, миллий кураш бўйича Мардон Аҳмедов вилоятда тенгсиз деб топилди.

Худуддаги «Хоразм пилла холдинг» корхонасида хотин-қизлар мавсумий ишламоқда. Бу ерда ипак гилам тўқибли, экспорт қилинмоқда.

Маҳалла туман марказида жойлашган бўлса-да, чорвачилик, паррандачилик билан шуғулланаётган фуқаролар кўп. Бу тажриба Истиқлол кўчасида кенг оммалашган.

Дилнавоз АБДУРАҲМОНОВА,
Янгиариқ туманидаги
«Урганч» маҳалласи раиси.

НИГОҲ

«Ташаббуслар сўнгани, ўзгаришлар тўхтагани йўқ»

Маҳалла «драйвери» – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари. 650 та хонадон эгаларининг аксарияти томорқа ерларида буғдой, шоли, сабзавот маҳсулотлари етиштиради.



11 та фермер пахта ва ғаллачиликка, 8 та фермер чорвачиликка ихтисослашган. Ушбу фермер хўжаликларига юз нафар аҳоли иш билан банд. Чорвадор фермерлар ишлаб чиқарган сутларини, асосан, боғчаларга тарқатади, ортганини бозорга чиқаради. Маҳалланинг ўзида иккита давлат, иккита хусусий боғча бор.

Маҳаллада сутни қайта ишлаш корхонаси йўлга қўйилган. Ҳозирда «Шерхон-Амирхон» корхонасида турли сут ва сут маҳсулотлари тайёрланмоқда. Бу ерда олти нафар фуқаро доимий даромадга эга.

Бундан ташқари, йиғинда ғишт заводи ва 9 та гидропоника фаолият кўрсатмоқда. 15 гектардан иборат гидропоникаларда поми-

дор, бодринг етиштирилмоқда.

Маҳалла инфратузилмаси ривожланмоқда. 1,5 километр ички йўл асфальтланди, 8,5 километри шағаллаштирилди. Фуқаролар «Ташаббусли бюджет» лойиҳасида ташаббус кўрсатиб, 24-мактаб ҳудудига мини футбол майдони қурди. Мактаб ҳовлиси ўралиб, кўёш панеллари ўрнатилди, электрон дарсликлар олишга эришди. Шунингдек, артезиан қудуғи қазилиб, Истиқлол, Истиқбол, Ёшлар кўчасидаги аҳоли ичимлик сув билан таъминланди.

Келгусида 30-мактабга кўшимча бино, спорт зал ва майдон қурилиб, атрофини ўраш зрур.

Ҳамза ЭРБОЕВ,
Шовот туманидаги
«Узункўл» маҳалласи раиси.

ҲОЛАТ

Нилуфар АҲМЕДОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани:

— Эътибор берсак, деярли ҳар ойда ҳоким ёрамчилари пора олиш, ўзлаштириш, талон-тарож қилиш, мансаб сохтакорлиги жиноятлари билан қўлга тушаётганини кўряпмиз. Мисол учун, ноябрь ойнинг охирида Андижонда, сентябрда Бухорода, ундан сал олдин Қашқадарёда ҳоким ёрдამчиларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди. Хўш, бу жиноятлар учун улар қамаладими?

«Агар ҳоким ёрдამчиси жиноятга қўл урса...»



Ленара ҲИҚМАТОВА,
«Норма» эксперти, ҳуқуқшунос:

— Сиз санаб ўтган ҳолатлар бўйича Жиноят кодексига алоҳида жазо чоралари белгиланган. Хусусан, агар ҳоким ёрдამчиси пора олиш билан боғлиқ жиноятни содир этган бўлса, кодекснинг 210-моддасига асосан жазоланади. Унга кўра, **пора олиш**, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши — **БҲМнинг 50 бараваридан 100 бараваригача (17 млн. сўмдан 34 млн. сўмгача)** миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда **2 йилдан 5 йилгача** озодликни чеклаш ёхуд **5 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Бу жиноят такроран, аввал пора берган ёки пора олди-бердисида иштирок этган шахс томонидан содир этилса — **5 йилдан 10 йилгача** озодликдан маҳрум қилинади.

Худди шундай, жиноят **мансаб сохтакорлиги** деб баҳоланиб, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб, расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши давлат ва фуқароларга жиддий зарар етказилишига сабаб бўлса — **БҲМнинг 100 бараваридан 300 бараваригача (34 млн. сўмдан 102 млн. сўмгача)** миқдорда жарима ёки **5 йилгача** муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки **360 соатгача** мажбурий жамоат ишлари ёхуд **2 йилгача** ахлоқ тузатиш ишлари ёки **1 йилдан 2 йилгача** озодликни чеклаш ёки **3 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Агар айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани **ўзлаштириш ёки растрата қилиш** мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса — **БҲМнинг 100 бараваридан 300 бараваригача (34 млн. сўмдан 102 млн. сўмгача)** миқдорда жарима ёки **480 соатгача** мажбурий жамоат ишлари ёки **2 йилгача** ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд **2 йилдан 5 йилгача** озодликни чеклаш ёки **5 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.



БУНЁДКОРЛИК

«Маҳаллий Кенгашларда раислар салмоғи ортиши керак»



Ободлик, бунёдкорлик руҳини ўзида мужассам этган янгиланишлар жараёнида олис овуллар эътибордан четда қолмаяпти. Хусусан, Қўнғирот туманидаги Раушан овул фуқаролар йиғини «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезонлари асосида кўркам қиёфага кирди.

Худуд инфратузилмасини яхшилаш мақсадида давлат бюджетидан 1 миллиард сўм маблағ ажратилди. Натижада 1 километр узунликдаги марказий кўчага асфальт ётқизирилиб, 1,5 километр масофада пиёдалар йўлакчаси ташкил этилди. Йиғин кўчаларини ёритиш мақсадида 50 дон тунги чироқлар ўрнатилди, 327 та хонадоннинг фасад қисми таъмирланиб, 84 та симёғоч бетон устунларга алмаштирилди, 4,4 километр масофага электр симлари тортилди.

Маҳалла ёшларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун бола-

лар майдончаси барпо этилди. «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида мавжуд 12 та кўчада ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, «Маҳалла боғи» яратилди. Конституция байрами арафасида фуқаролар йиғинининг рамзий очилиш маросими ўтказилиб, унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Фарҳод Эрманов ва Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Беҳзод Мусаев иштирок этди. Бундай бунёдкорлик ишларидан овул аҳли мамнун, албатта.

Шу ўринда тизимга оид фикрларимни билдирсам. Мана, 2024 йилдан «маҳалла еттилиги» иш бошлайди. Бу жараёнда қонун раиснинг ваколатлари кенгайтирилиб, ходимлар устидан назорат ўрнатиши, ойлик маошларини тасдиқлаши, рағбат ёки интизомий чора кўриши бўйича тақдимномалар киритиши белгилангани мақсадга мувофиқ бўлди. Чунки раис маҳаллага фақат қоғозда эмас, амалда бош бўлиши

керак. Юқоридаги ўзгаришлардан келиб чиқиб, эндиликда маҳаллий Кенгашлар депутатлари орасида маҳалла раислари салмоғини ошириш зарурати бор.

Шу билан бирга, Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишсиз аҳолини ободонлаштириш ва мавсумий ишларга жалб қилиш, уларга ҳақ тўлаш ваколати маҳалла раисига берилмаётгани кўпдан бери кутилган янгилик бўлди. Боиси худудда ҳақ тўланадиган жамоат ишлари кўп, уларга одамларни жалб қилишда аввал туман бандлик бўлимини хабардор қилишимиз, ишсизларни рўйхатдан ўтказиб, сўнгра ишга йўналтиришимиз мумкин эди. Бу айрим овозгарчиликларни келтириб чиқарарди. Эндиликда маҳалла раиси идоранинг ўзида бу масалани ҳал этиш имконияти яратилади.

Нурлан ШАМШЕТОВ,
Қўнғирот туманидаги Раушан овул фуқаролар йиғини раиси.

ОГОҲЛИК

Ёнғин хавфсизлиги эътиборни талаб қилади

Куз-қиш мавсумида ҳаво ҳароратининг совиши билан ёнғин келиб чиқиш эҳтимоли ортиб боради. Шунинг эътиборига олган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойишига асосан, ҳар йили ноябрь-декабрь ойларида «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказиш аъёнага айланган. Айтиш керакки, ойлик доирасида жойларда тарғибот ишлари йўлга қўйилган, хавфсизлик қоидалари тушунтирилмоқда.

Қоидага кўра, барча маъмурий масканларда, ишлаб чиқариш, оғир ва ёрдამчи биноларнинг қуринадиган жойларида ёнғин ўчириш хизматининг телефон рақамлари кўрсатилган йўриқнома ўрнатилиши керак. Қолаверса, муассасаларда чекиш учун махсус жой ажратилиши, ёнғинчи чиқинди ва чанглардан тозалаш тартиби, махсус кийимлар сақланиши зарур. Ёнғин вақтида ва иш куни тугаши билан электр ускуналари тармоқдан узиб қўйилиши лозим.

Бир вақтнинг ўзида қаватда 10 кишидан ортиқ одамлар бўладиган бино-иншоотларда (яшаш уйлари-

дан ташқари) ёнғин ҳақида хабар берадиган мослама ўрнатилиши ҳамда ёнғин вақтида бинони тарк этиш режаси ишлаб чиқилган бўлиши шарт. Аҳоли кўп йиғиладиган масканлар раҳбари (50 кишидан кўп) ёнғин вақтида бинони тарк этиш чизмалари режаси билан бирга, хизматчиларнинг тез, қулай ҳолда бинони тарк этишига кўмаклашадиган йўриқнома ишлаб чиқиш зарур. Ушбу йўриқнома бўйича камида ярим йилда бир мартаба амалий машғулот ўтказилиши керак.

Ходимлар ва фуқаролар амалдаги қонунларга асосан тасдиқланган ёнғин хавфсизлиги қоидаларига

риоя этиши, содир бўлган ёнғин ҳақида ёнғин ўчириш қисмларига хабар бериши ва иложи борича одамларни, жиҳозларни қутқариш ва ёнғинни бартараф этиш чораларини кўришлари зарур. Турли байрам тадбирларини ўтказишга жавобгар шахслар тадбир олди-дан хоналарни назоратдан ўтказиб, ёнғин хавфсизлиги таъминланганига ишонч ҳосил қилиши керак.

Н.ТУРСУНОВ,
Президент Администрацияси
биносиди ЙХТТЕ 1-бўлимиси
инспектори, майор.



МУРОЖААТ

«Икки йилки, дастурдаги вазифалар якунига етмаяпти»



2022-2023 йилда ҳудудда мўайян ўзгаришлар амалга оширилди. Маҳалла 4-сектор ҳудудида жойлашган бўлиб, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ҳал қилиш борасида тизимли ишлар бажарилди. Айниқса, 2022 йилда «Обод қишлоқ» дастури асосида маҳалла қиёфаси ўзгарди. Жумладан, 9-умумтаълим мактаби ҳамда қишлоқ врачлик пункти таъмирланиб, замонавий кўринишга келди. Барча кўчаларга оптик толали алоқа тармоғи тортилди.

4,5 км. узунликда ичимлик сув тармоғи янгиланди. Сув сақлаш минораси қурилди. 3 км. узунликда ички йўл асфальтланди. 6 км. масофа қум-шағалланди. 63 дона тунги ёритиш чироклари ўрнатилди. Жумладан, дастур бўйича энг долзарб муаммолардан бири электр энергияси таъминоти яшиланди. Ҳудудда 1 та

трансформатор ўрнатилди.

Маҳалла ҳудудидаги электр энергияси тармоқларидаги 46 дона эскирган симёғоч темир-бетон таянч устунга алмаштирилди. Аммо бу иш чала қолиб кетди. Янги бетон устунлар ўрнатилгани билан кабеллар тортилмагани учун барча ҳаракат бефойда бўлмоқда. Масыуллар ваъда берганди. Аммо ваъда бажарилмай қолди.

Мана қиш мавсумининг совуқ кунда аҳоли қийналяпти. Мисол учун, жорий йил 13 декабрь куни эрталаб 8-00 да электр энергияси ўчганича туш пайти 14-00 да ҳам келмади. Шу ўринда бир савол туғилади. Дастур бўйича керакли маблағ ажратилган бўлса, нега иш чала қолди?

Бу муурожаатимизга туман электр тармоқлари корхонаси раҳбари Ихтиёр Норбековдан жавоб келди. Унда Жиззах ҳудудий корхонасида керакли хомашё етишмаётгани боис

2024 йилнинг 3-чорак якунига қадар электр тармоғини тортиш ишлари кечикиши маълум қилинган. Шунингдек, ўша дастурда белгиланган 3 км. йўл четидаги пиёдалар йўлагининг 600 метр қисми қолиб кетган. Туман ободонлаштириш бошқармасига муурожаатимизга масъуллар жорий йил 23 декабрь кунигача ишни бажаришга ваъда беришган.



Акбар АБДУЛЛАЕВ,
Фориш туманидаги «Қизилқум» маҳалласи раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

«Ўзгариш моддий ёрдам олаётганларга таъсир қилмайди»

Одилжон МАМАЖОНОВ,
Янги Наманган туманидаги «Атанган гузар» маҳалласи раиси:

— Маълумки, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақа тайинлашга оид низомга ўзгартириш киритилиб, энди жараён тўлиқ инсон омилиси, онлайн ариза топшириш йўлга қўйилди. Шунингдек, белгиланган мезон янгиланди. Айтилган, киритилган ўзгартириш амалда нафақа олиб турган оилаларга ҳам таъсир этадими? Уларни нафақага ҳуқуқи янги мезон бўйича қайта кўриб чиқиладими?

Комила ЗОКИРОВА,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги масъул ходими:

— Оилани кам таъминланган, деб эътироф этиш бўйича мезонларга киритилган ўзгартиришлар янги ариза бераётган оилаларга



қўлланилади.

Аммо, амалдаги нафақа олувчиларга нисбатан уларнинг иқтисодий аҳолини қайта ўрганиш тартиби қўлланилади. Яъни, аввал нафақа тайинланган оилалар вакили янги машина ёки иккинчи кўчмас мулк харид қилган ёхуд юқори иш ҳақи олишни бошлаган бўлса, на-

фақа тўхтатилади.

2024 йил апрель ойдан бошлаб, фуқаролар болалар нафақаси тайинлаш учун аризани онлайн тарзда бериши мумкин. Бунда ариза бериш электрон тартибда Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали амалга оширилади.



Шерзод
ГАЗИЕВ,
Самарқанд
шаҳар
«Анҳор»
маҳалласи
раиси.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

«Зарур бўлгани учун биз ҳар доим биргамиз»


— Маҳаллада турли миллат вакиллари истиқомат қилишади. Улар билан ишлашда ҳар бирига ўзига хос ёндашаман. Шунда муаммога ечим топиш анча енгли кечади.

Қолаверса, аҳоли муурожаати билан ишлашда «Mahalla» газетаси менинг асосий ёрдамчим. У столим устида турса, кўнглим хотиржам. Биламанки, унда ҳамма саволимга жавоб тайёр! Барчамизга керак бўлгани учун нашрга келгуси йил учун ҳам обуна бўлди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ойбек НИШОНОВ,
Пахтакор туманидаги «Буюк ипак йўли» маҳалласи раиси:

— Маҳаллада яшовчи фуқаролар ўртасида гоҳида мерос тақсимлаш масаласи низога сабаб бўлади. Асосан, яқин қариндошлар, яъни ота-она ва фарзандлар, ака-ука, опа-сингиллар ўртасида муаммоли мерос тақсимоти кузатилади. Қонунда кимлар меросхўр бўлиши аниқ белгиланган. Аммо, баъзи ҳолатларда меросхўрлар меросга нолойиқ, деб топилади. Мана шу қисмга изоҳ бериб ўтсангиз: кимлар меросга нолойиқ, деб топилади?



Кимлар меросга нолойиқ ҳисобланади?

Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ,
«Мадад» НТТ бош мутахассиси:

— Фуқаролик кодексининг 1119-моддасига биноан, мерос қолдирувчини ёки эҳтимол тутилган меросхўрлардан бирортасини қасддан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига суиқасд қилган шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Васият қилувчи ўз ҳаётига суиқасд қилинган кейин васиятнома берган шахслар бундан мустасно.

Мерос қолдирувчи ўзининг охириги хоҳиш-иродасини амалга оширишига тўсқинлик қилган ва шу орқали ўзларининг ёки ўзларига яқин шахсларнинг ворисликка қақрилишига ёхуд мероснинг ўзларига ёки ўзларига яқин шахсларга тегишли улуши кўпайтирилишига имкон яратган шахслар васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Болаларига нисбатан ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган ва мерос очилган пайтда бу ҳуқуқлари тикланмаган ота-оналар ана шу болалардан қолган мулкка ворис бўлиш ҳуқуқига эга эмаслар. Шунингдек, мерос қолдирувчига таъминлаб туриш юзасидан қонунга кўра зиммаларига юклатилган мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаган ота-оналар (фарзандликка олувчилар) ва вояга етган бола(фарзандликка олинган) лар қонун бўйича ворислик қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Нолойиқ меросхўрларни ворисликдан четлатиш учун асос бўладиган ҳолатлар бундай четлатиш келтириб чиқарадиган ворислик билан боғлиқ мулквий оқибатларга дахлдор шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан белгиланади.

Нолойиқ меросхўрларни ворисликдан четлатиш учун асос бўладиган ҳолатлар ҳар қандай меросхўрга, шу жумладан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрга ҳам тааллуқли.

ТАШАББУС

«Жиноятчиликни олдини олишда янги ташаббус қўллаяпмиз»



Маҳалла «бешлиги» билан ҳамкорликда уйма-уй юриб, ҳар бир оиланинг яшаш шароитини ўрганиб, аниқланган муаммолар ҳал этилмоқда. Шу кунгача 2023 йил давомида 1,5 км. ичимлик сув тармоғи янгиланди, 4,5 км. ички йўл асфальтланди, 65 дона янги таянч устун ўрнатилди, 2 та трансформатор, 21 та газ тақсимлаш пункти таъмирланди. Ариқларнинг 4,5 км. қисми бетонланди. Худуддаги 430 дан ортиқ ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Жумладан, аёллар учун тикувчилик йўналишига алоҳида хона ажратилиб, 110 нафар хо-

тин-қизлар доимий иш билан банд қилинди. 87 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди, 22 на-

фари жамоат ишларига жалб этилиб, 230 нафари ўзини ўзи банд қилди.

«Ҳар бир оила – тadbиркор» дастури доирасида имтиёзли кредит олиш истагини билдирган 46 нафар фуқарога тавсиянома берилиб, 37 нафарига кредит ажратилди. Улар чорвачилик ва тикувчилик фаолиятини йўлга қўйди.

«Аёллар дафтари»га киритилган 57 нафар хотин-қизга ёрдам кўрсатилди. 197 нафар аёллар янгидан рўйхатга олинди. Ажралиш ёқасидаги ва низоли оилаларнинг ҳисоби юритилиб, 12 та оила яраштирилди, олиб борилган профилактик суҳбатлар, тарғибот-ташвиқот тadbирлари натижасида ҳуқуқбузарликларни олдини олишга эришилди, 4 нафар аёлга ҳимоя ордери берилди. «Хавфсиз маҳалла» тамойили асосида 477 та кузатув камераси ўрнатилди.

Темирйўл кўчасидаги фойдаланилмай турган бино «Ёшлар дафтари»даги Ш.Аҳмедовага берилиб, ҳозирги кунда 30 га яқин аёл иш билан таъминланди.

Айни кунда куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш ҳамда вужудга келган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида маҳалла ходимлари (еттилик) навбатчилик режимга ўтказилди.

Хусусан, ўзим бошчилигимда ишчи гуруҳ тузилиб, аҳоли орасида ёнғин ва ис газидан заҳарланишни олдини олиш ҳамда газ тармоғига «газ сўргич» ўрнатмаслик борасида тарғибот тadbiri ўтказилмоқда. Шунинг-

дек, маҳалла худудидаги кўп қаватли ва ерли хонадонларда яшовчи фуқаролардан келиб тушган мурожаатлари асосида «газ сўргич» (матор) бўйича рейд олиб борилмоқда.

Ўз навбатида 2024 йилда бажарадиган режалар белгилаб олганмиз. Биринчи галда Али Қушчи ва Мураббий кўчасининг 400 метр масофадаги йўли асфальтланади. Темирйўл кўчасида 1 км. оқовасув тармоғи тортилади. Бу билан 174 та хонадондаги муаммо ҳал бўлади. Худудимиз «қизил» тоифага кирган бўлиб, жиноятчилик жуда юқори. Шу боис жиноятчиликни олдини олиш учун 2024 йилда мавжуд 477 та кузатув камерасини 1000 тага етказамиз. Ҳамда барчасини маҳаллага интеграция қиламиз. Бу амалиёт республикада ягона ва биринчи ташаббус ҳисобланади. Бундан ташқари, 14 та кўчадаги 124 дона симёғоч бетон устунга алмаштирилиб, тармоқ кабелли янгиланади.

Толибжон ЭРАЛИЕВ,
Наманган шаҳридаги
«Оби ҳаёт» маҳалласи раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ғайрат ТОШПЎЛАТОВ,
Қўқон шаҳридаги
«Мингтут» маҳалласи раиси:

— Маълумки, корхона ва ташкилот ходими ўз вазифасидан ташқари ишларга жалб қилинади. Шундай ҳолларда уларга компенсация тўланадими? Узи қайси вазиятда компенсацияси тўланиши шарт?



«Ходимга қандай компенсация тўлаш шарт»

Лазизбек ҚАРШИЕВ,
Камбағалликни қисқартириш
ва бандлик вазирлиги
бошқарма бошлиғи:

— Амалдаги Меҳнат кодексининг 286-моддасига асосан, иш берувчи қуйидаги ҳолларда ходимга унинг ўз меҳнат мажбуриятини бажариши билан боғлиқ харажатларни компенсация қилиши шарт. Булар:

— иш берувчи билан олдиндан келишувга кўра бошқа жойдаги ишга кўчиб ўтганда;
— иш берувчининг йўлланмаси билан касбий тайёргарликдан, қайта тайёрлаш, малака ошириш ва стажировкадан ўтганда;
— ишлаб чиқаришдаги бахтсиз

ҳодиса ёки касб касаллиги натижасида ходим вақтинча меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолганда;

— ходим мажбурий тиббий кўрикдан ўтганлиги муносабати билан;

— ходимнинг фойдаланмаган йиллик меҳнат таътили учун;

— иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ходимни огоҳлантириш муддати пул компенсацияси билан алмаштирилганда.

Юқоридаги тўловлардан ташқари иш берувчи ходимларга меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда, жамоа келишувда, жамоа шартномасида, шунингдек иш берувчи касаба уюшмаси кўмитаси билан келишилган ҳолда қабул қилинадиган ички ҳужжатларда, меҳнат шартномасида белгиланган бошқа компенсация тўловини амалга ошириши шарт.

ХУШХАБАР



«Чиркай»да чинакам ўзгаришлар рўй берди

Тумандаги «Чиркай» маҳалласи вилоятнинг чекка ва олис худудида жойлашган бўлиб, муаммолар йиғилиб қолган. Мамлакатда бошланган хайрли ташаббус — чекка ва олис худудларда «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезонлари асосида обод маканга айланди. Танлаб олинган 56 та «қизил» тоифадаги маҳалла қаторида қурилиш ва бунёдкорлик иши олиб борилди. Айни кунда худуд инфратузилмасини яхшилаш бўйича кенг кўламли амалий ишлар якунланди.

Маҳаллада хонадонларни ободонлаштириш, аҳолига қулай шароит яратиш, жумладан ичимлик сув, газ, электр таъминоти, соғлиқни сақлаш, таълим ва аҳоли бандлиги билан боғлиқ муаммолар бартараф этилди.

Дастурга кўра, 485 та хонадон таъмирланди, 310 тасига қўшимча хўжалик бинолари қурилди. Табиий газ тармоғининг 4600 метр қисми бўёқланди ҳамда 115 та таянч устун алмаштирилди. Жами 465 та хонадонга ичимлик сув тармоғи тортилди. Оқовасув муаммосини ҳал этиш учун 2 та қудуқ қурилди. Электр энергияси таъминотини яхшилаш бўйича 175 дона бетон таянч устун ўрнатилиб, 43 та хонадон тармоққа уланди. Намуна-2 кўчасидаги трансформатор жорий таъмирланди. 2 донаси янгиланиб, 6 км. электр тармоғи тортилди. Ёш авлод, Намуна-1, Тонг гули, Равнақ, Намуна-2

кўчасининг жами 4 км. ички йўли асфальтланди. Ёш авлод, Тонг гули, Равнақ, Намуна-1, Намуна-3 кўчасида 4,95 км. шағаллаш иши олиб борилди. Равнақ ва Намуна-1 кўчасида жами 850 метр пидедалар йўлаги ташкил қилинди. Худудда 2,8 км. ички зовур қовланди. Ана шу ишлар давоми сифатида янги қуриб битказилган маҳалла биноси қошида яшил боғ барпо этилди, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Кунини кеча маҳалла биносининг фойдаланишга топширилиши катта тантананага айланди. Унда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Республика ишчи гуруҳи вакили Ботир Парпиев ва бошқа раҳбарлар, кенг жамоатчилик вакиллари, нуронийлар, ёшлар вакиллари иштирок этди. Алоҳида қайд этиш керакки, бинода ходимлар учун барча қулайлик яратилган. Замон талабига мос тарзда жиҳозланган иншоотда маҳалла «еттилиги» учун алоҳида хона, мажлислар зали, «Жамоатчилик маскани» мавжуд. Шу кунини «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Фарғона вилояти бошқаруви томонидан мебель ва компьютер жиҳози тақдим этилди.

Муборак ОТАХАНОВА,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Фурқат туман бўлинмаси
бош ҳисобчиси.

Ҳавонинг кескин совиб кетиши натижасида бозордаги айрим сабзавот ва мева маҳсулотларини совуқ уриши эҳтимоли юқори бўлиб, бу маҳсулотлар ўзининг органолептик хусусиятлари – мазаси, таъмини йўқотади ва истеъмолга яроқсиз ҳисобланади.

МУАММО

«Пахса деворли бинода ишляпмиз...»



Маҳалла туман марказидан 16 километр олисда, тоғ этакларида жойлашган. Сўлим табиатга эга. Унумдор тупроқ картошка ва узум-боп. Шу сабаб маҳалла «драйвери» – картошка ва узумчилик. 7 гектар узумзор бор. Аҳоли томорқаларида кўпроқ сабзавот экинлари экади.

Йиғинда ишсизлар йўқ ҳисоб. Фуқароларнинг етмиш фоизи «Ургут» эркин иқтисодий зонасидаги турли ишлаб чиқариш корхоналарида, «Urgaz» гилам фабрикасида, музлаткич заводида меҳнат қилади. 1136 та хонадондан 6-7 тасида бироз қийинчилик бўлмаса, қолганлари рўзғорини обод этиб, фаровон яшамоқда.

Фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида маҳалла инфратузилмаси яхшиланмоқда. Халқнинг бирдам-

лиги билан «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси орқали эски мактаб тўлиқ таъмирланди. Электр таъминотини яхшилаш учун 54 та бетон устун ва 1 та трансформатор ўрнатилди. Яна кўшимча 50 та бетон устун ва битта юқори кучли трансформатор берилди. 58-мактабнинг эски биноси қайтадан қурилди. Ҳозирда хоналарни таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.


Жорий йил артезиан қудуғи қазилиб, маҳалладаги 31 та хонадон ичимлик сув билан таъминланди. Натижада аҳоли тўлиқ ичимлик сувга эга бўлди. «Яшил макон» лойиҳаси доирасида 14 сотихли маҳалла боғи ташкил этилиб, олма, ёнғоқ, беҳи, ўрик каби мевали дарахт экилди. «Девонаий Шайх» қабристонига ҳашар уюштирилиб, ободонлаштирилди, арчалар ўтқазилди.

Амалга оширилган ишларга туман ҳоқими ва 3-сектор бошлиғи яқиндан ёрдам бермоқда.

Айни пайтда пахса девордан қурилган таъмирталаб қишлоқ врачлик пунктида фаолият юритяпмиз. Шу сабаб келгусида алоҳида маҳалла идораси қуриш режаси бор. Фақат амалий ёрдам зарур. Шунингдек, 2,5 километр ички кўчаларни асфальтлаш, эски қишлоқ врачлик пунктини қайта қуриб, «Тез тиббий ёрдам», лаборатория ва стационар даволашни хоналарини ташкил этиш зарур.

Айни пайтда «тўқсонбости» экинлар экилиб, ариқ-зовурлар тозаланмоқда.

Раъно ЖОНКЕЛДИЕВА,
Ургут туманидаги
«Узун» маҳалласи раиси.



Ислом
РАҲМОҶОНОВ,
Юқори Чирчиқ
туманидаги
«Нурафшон»
маҳалласи раиси.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

«Mahalla» – тажриба мактаби!»

– Маҳалла худди бир ошладек гап. Гоҳида айрим муаммо ва камчиликларни бартараф этишга тўғри келса, баъзан эришилган яхши натижалар кўнгилни шод қилади. Ана шу ижобий кўрсаткичларни ошириш учун эса, албатта, тинимсиз меҳнат қилиш ва билим олиш талаб этилади.

Бунда бизга «Mahalla» газетаси беминнат ёрдам бермоқда. Чоп этилаётган мақолалардан бугун жамиятда рўй бераётган янгилик ва ўзгаришни кузатиб бораёпмиз. Янги қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг моҳиятини англаб етёпмиз. Раисларнинг тажрибалари катта мактаб вазифасини ўтамоқда. Шунинг учун газетлага 2024 йил учун ўз ташаббусим билан обуна бўлдим.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Саодат ҒАНИЕВА,
Ургут туманидаги «Гулбод» маҳалласи раиси:

– Юртимизда кузатилаётган совуқ ҳаво оқибатида сабзавотларни совуқ уриши эҳтимоли юқори. Айтингчи, «совуқ урган» сабзавотларни истеъмол қилиш заҳарланишга олиб келмайдими?



«Совуқ урган» сабзавотлар заҳарли эмас, аммо...

Мафтуна САИДОВА,
Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси Ахборот хизмати раҳбари:

– Ҳар бир озиқ-овқат маҳсулоти техник жиҳатдан тартибга солиш ҳужжатларига эга бўлиши, давлат стандарти талабларига жавоб бериши керак. Яъни, ҳар бир маҳсулот қоида ва нормаларда белгиланган маълум ҳарорат ва ҳавонинг нисбий намлигида сақланиши лозим. Ҳавонинг кескин совиб кетиши натижасида бозордаги айрим сабзавот ва мева маҳсулотларини совуқ уриши эҳтимоли юқори бўлиб, бу маҳсулотлар ўзининг органолептик хусусиятлари – мазаси, таъмини йўқотади ва истеъмолга яроқсиз ҳисобланади. Шунингдек, ушбу маҳсулотларнинг озукавий қиймати ҳам пасаяди.

Албатта, улар заҳарланишларга олиб келмайди, лекин барча фойдали хусусиятларини йўқотади ва уларнинг муздан тушгандан кейин сақлаш муддатлари кескин камайиб кетади.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

Ортиқча электр энергияси ишлатган хонадон таъминотдан узиладими?

Соатиға 4,5 киловатт соатдан ортиқча электр энергияси ишлатган хонадон электр таъминотидан узилиши ҳафта мавзуси бўлди. Хўш, бу гап қаердан чиқди ўзи?

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарори билан қабул қилинган Қоидаларнинг 63-4-бандига асосан, истеъмол қилинадиган электр энергиясидан оқилона фойдаланиш мақсадида маиший истеъмолчиларнинг электр энергияси истеъмоли юклама орқали чегараланиши, бунда «Худудий электр тармоқлари» АЖ томонидан электр энергиясини назорат қилиш ҳамда ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими доирасида истеъмолчиларга эҳтиёжлари учун зарур бўлган қурилмаларнинг минимал қувватидан ва жойлашган худудидан келиб чиқиб, ҳисоблагич орқали 10-15 кВт. қувват доирасида чеклов киритилиши кўзда тутилган.

Демак, соатиға 4,5 киловатт соат деган гап шу банднинг нотўғри талқини бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш ке-

раки, бу амалиёт истеъмол юқори бўлган жойларда қўлланилади ва истеъмолчи ортиқча ускуналарни ўчириб, кучланишни белгиланган меъёрдан камайтиради, ҳисоблагич узоғи билан 15 дақиқа ичида автоматик равишда ёнади.

Бироқ ҳаво ҳароратининг совуқ кунларида истеъмолчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бу норма вақтинча бекор қилинди.



P.S: Дарвоқе, сиз соатиға 15 кВт. ишлатиш учун қанча электр ускуналари ёниб туриши кераклигини биласизми?

Масалан, 15 кВт. соат электр энергияси сарфлаш учун бир вақтнинг ўзида бир соат давомида 6 та музлаткич, ўртача 1,5 кВт. қувватли 3 та кондиционер ва 3 та электр печи ёниқ туриши керак. 3 та телевизор ҳамда 20 та лампочканинг истеъмол ҳажми, нари борса, 1,5-2 кВт. соат бўлиши мумкин холос. Шундай экан, 98 фоиз аҳолининг хавотир олишига мутлақо ўрин йўқ.

Яъни, хонадон эгаси электр энергиясидан белгиланган меъёрдан ортиқча фойдаланганда ҳисоблагич автоматик тарзда ўчириб қўйилмайди.

Хурматли истеъмолчилар, керакисиз, ортиқча электр ускуналардан имкон қадар фойдаланмасликларингизни, электр энергиясини тежашларингизни ва беҳуда ёниб ётган қувватларни ўчириб қўйишларингизни сўраймиз.

Ёдда тутинг: агар хонадонингизда электр токи ортиқча юклама билан ўчган бўлса, юкламани камайтирганингиздан сўнг электр таъминоти 10 – 15 дақиқа орасида автоматик равишда тикланади.

Энергетика вазирлиги
Ахборот хизмати.

Агар қувур белгиланган чуқурликда кўмилмаган, иссиқлик изоляцияси қилинмаган ёки изоляциянинг зичлиги бузилган бўлса, сув қувурларининг музлашига сабаб бўлади.



«Узумнинг даромади узоқ куттирмапти»

Боғот тумани азалдан мева-сабзавотчилик билан машҳур бўлган. Узумчиликда катта тажрибага эга. Шу сабаб «Кўнабирлашув» маҳалласи аҳолиси узумчилик, мева-сабзавотчилик билан машғул.

Худудда фермер хўжаликларига қарашли 45 гектар узумзор бор. Асосан, «тойпи», «хусайни», «туркмани», «ризамат» навлари етиштирилади. Ҳар бир хонадонда узумдан ташқари, олма, ўрик, гилос каби мевалар парваришланмоқда. Бу йил ҳосил чўғи паст, чунки аномол совуқ кўплаб тоқларни зарарлади. Нолиш йўқ, даромад яхши. Аҳоли томорқаларидан ўртача 500 килограмдан 3 тоннагача ҳосил олиб, Россияга экспорт қилишди. Узоқ йўлга чидамлилиги учун «тойпи» нави яхши экспорт қилинмоқда.

Одамлар пишиқчиликда ҳосилнинг бир қисмини сотиб, бир қисмини

янада қимматроқ нархда сотиш учун совутгичларда сақламоқда. Маҳсулотларнинг бир қисми маҳалладаги 300 тонналик совутгичда сақланаётган бўлса, катта қисми туман марказидаги совутгич омборхоналарида.

Қувонарлиси, боғбонлар учун зарур яшик ва қувурлар маҳалланинг ўзидан чиқяпти. Гап шундаки, «Собиржон-Бобуржон» корхонаси турли маиший чиқиндиларни қайта ишлаб, гранула ва ранг-баранг пластмасса идиш-яшиклар, қувурлар тайёрламоқда. Маҳсулотлар харидоргир, республикамизнинг кўплаб худудларига етказиб берилмоқда.

Кейинги йилларда маҳалла аҳолиси учун кўплаб қулайликлар яратилмоқда. Жумладан, маҳалла биноси қурилиб, мактаб, боғча, оилавий поликлиника, мусиқа мактаби қайтадан таъмирланди. Аҳоли тўлиқ ичимлик сув билан таъминланиб, 3 километрдаги эски симёғочлар бетон устунларга алмаштирилди. Фуқароларнинг кўмаги билан 2 километр ички кўчалар шағаллаштирилди.

Қувонарлиси, мактаб битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш сони ортди. Жорий йил битирувчиларнинг 66 фоизи талаба бўлди.

**Маҳмуджон МАШАРИПОВ,
Боғот туманидаги «Кўнабирлашув»
маҳалласи раиси.**

огоҳлик

Ожизаларни камситганга жазо муқаррар

...Ҳаммаси маст ҳолда автомашина рулига ўтиришдан бошланди. Узун туманидаги «Янги рўзғор» маҳалласи худудида унинг машинасига 14 ёшли мактаб ўқувчиси чиқди. Қараса, хушбичимгина. Кўнглига ғайирлик оралади. Унинг ожиза эканидан фойдаланиб, ғараз ниятини амалга оширди. Ваҳоланки, аёл аталмиш ожизани хўрлаш, камситиш нафақат менталитетимиз, балки қонунчилигимизга ҳам зид. Бу турдаги ҳаракатлар фақатгина маъмурий эмас, балки жиноий жавобгарликка тортилмоқда.



Гарчи Ҳ.Собиров (мақоладаги исм-шарифлар ўзгартирилган) айбига иқрорлигини тан олмас-да, олиб борилган тезкор тадбирлар ва гувоҳлар кўрсатмаси жиноятчининг айбларини исботлади. Ҳ.Собиров Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди. Энди у умрининг 19 йилини озодликдан маҳрум қилинган ҳолда ўтказди. Бу хатти-ҳаракати билан у нафақат ўзи, балки оиласи, қариндош-уруғлари пешонасига бир умрлик тамғани ёзиб кетди.

Таъкидлаш жоиз, «Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғри-

сида»ги қонунга мувофиқ, бутурдаги жиноятларга жазо чоралари ҳам кескин қучайтирилди. Экспертларнинг эътирофига, Ўзбекистон дунё тажрибасида бешинчи бўлиб оиладаги зўравонликни қонунга алоҳида жиноят сифатида киритган давлат бўлди.


Зеро, бундай қабиҳлик ҳақидаги хабар ҳар бир инсон қалбини ларзага солиши табиий. Душманга ҳам раво кўрилмайдиган қисмат бу. Оилавий қадриятларни улуғлаш, хотин-қизларни эъзозлаш ва фарзандларини кўз қорачиғидек асраб-авайлашни муқаддас бурч деб билган юртдошларимиз бу иллатларни кескин қоралайди.

**Инъом ФОЗИЛОВ,
Сурхондарё вилояти Узун
тумани Прокурор катта
ёрдамчиси.**

ТАВСИЯ

Сув қувурлари музламаслиги учун нима қилиш керак?

Ҳаво ҳарорати кескин совиб кетиши ҳоқибатида қувурларда сув музлаб қолиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун эса сувни мунтазам очиб қўйиш шарт эмас. Агар хонадонингиздаги қувурларда сув музлаб қолган бўлса, уни эритиш учун мутахассислар хизматидан фойдаланиш ёки уй шароитида уни ўзингиз бартараф этишингиз мумкин.



Сув қувурлари нега музлайди?

Агар қувур белгиланган чуқурлик (худудларга қараб 70 см.дан 1 метргача) да кўмилмаган, иссиқлик изоляцияси қилинмаган ёки изоляциянинг зичлиги бузилган бўлса, сув қувурларининг музлашига сабаб бўлади. Кўпинча совуқ ҳаво қувурларнинг металл ва пластмасса элементларига, бўғимларига, шунингдек, қувурларнинг юза қисмига таъсир ўтказиши.

Бундай табиий ҳодиса кўламини оддий кўз билан кўриш ёки махсус жиҳозларсиз аниқлаш мумкин:

- қувурни охишта тақиллатинг – муз бор жойда товуш жаранглаб чиқмайди;
- кўпинча сув қувурлар бир-бирига уланган жойларда музлайди. Шунинг учун, аввало, шундай тармоқларни аниқлаб олинг ва муз мавжудлигини текширинг;
- қувур юзасида бўлган жойларда кучли елвизак бор-йўқлигини текширинг. Совуқ шамол бир неча соат ичида суст оқимни музлатиб қўйиши мумкин.

Музлаган қувурларни уй шароитида эритиш учун тавсиялар.

Илиқ сувдан фойдаланинг. Ушбу усул сувнинг турғунлик зонаси аниқ белгиланган ва у кичик бўлган ҳолларда танланади. Қувурнинг очиқ музлаган жойини латта ёки бирор мато билан ўраб, устига илиқ иссиқ сув қуйинг ва сув ҳароратини секин-аста ошириб бординг. Жўмрақни очинг – бу музнинг эришини тезлаштиради. Намланган латталар эса иссиқликни бир муддат ушлаб туради, пластмасса ёки металл қувурлар ичидаги муз эритишга имкон беради.

Фендан фойдаланинг. Илиқ ҳаво оқимини яратадиган ҳар қандай қурилмадан фойдаланиш мумкин. Ушбу усул қувурларда музлаган кичик майдонларни иситиш учун хизмат қилади. Аммо ушбу усул пластик қоплама ҳаддан ташқари қизиқ кетиши ва эришига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис фендан фойдаланганда техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилинг.

Агар чанок (раковина) ёки унитаз яқинидаги қувур музлаган бўлса, унга қайнатилган туз қоришмасини (10 литр сув учун 1 кг. туз) қуйинг.

**«Ўзсувтаминот» АЖ
ахборот хизмати**

Қайнонага келин ёқмай қолса, оилани бузиб юборишга ҳаракат қиляпти. Ўғлига «онаси ўпмаган қиз»ни олиб беришини айтади. Ўртадаги фарзандлар тақдири, маҳалла-кўй насиҳати кор қилмайди.

ФИКР

«Ажралишнинг олдини олишга доир битта таклиф бор...»

Маҳаллада 3 та қишлоқ ва 5 та кўча мавжуд. 4 755 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шаҳар ҳудудига яқин бўлгани учун асосий «драйвер» — тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари ҳисобланади. Аҳоли бандлигини таъминлашда хонадонларда кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишга урғу беряпмиз. Маҳалла учун ажратилган кредит лимити айна шу соҳаларга йўналтирилади.



Ҳудудда 2021-2022 йилларда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Йўллар тартибга келтирилди, сув, электр масалалари ҳал қилинди, маҳалла биноси қуриб берилди. Жорий йилда бу ишлар давом этиб, Тошбоғ қишлоғида 700 миллион сўм маблағ эвазига кўприк қурилди. 1,1 километр ички йўллар сағаллаштирилди, 16 та темир-бетон устун, 20 тунги ёритиш чироклари ўрнатилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли

вакиллари билан доимий мулоқотдамиз. Яқинда Халқаро ногиронларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан нафақат шу тоифадаги фуқаролар, балки бемор ётган ҳар бир маҳалладошимиз ҳолидан хабар олдик. Кимнинг нимага эҳтиёжи борлиги, ким нимани орзу қилишини бирма-бир ўргандик. Шу асосда ҳомийларни жалб қилган ҳолда, бемор ётган бир қизга уйда таълим олиши учун ноутбук, яна бир беморга ётоқ мебели, бошқасига

уйини таъмирлаб олиши учун қурилиш материаллари олиб бердик.

Очиғи, мени оилавий ажралишлар масаласи ўйлантириб келади. Ҳатто бир гал янги оила 10 кунда ажрашиб кетганди. Сабабини сўрасак, «суриштирмабмиз» дейди. Ҳар икки томон бир-бирини на маҳалладан, на кўни-кўшнидан суриштириб кўрган. Оқибатда бир оила пароканда бўлди. Ҳозирда маҳаллада бунинг имкон қадар олдини оляпмиз. Бироқ бу муаммо долзарблигини йўқотмайди. Тажрибамдан келиб чиқиб, бир фикрни билдирсам.

Ҳозирги кунда оилавий ажралишларга биринчи навбатда учинчи шахслар — қайнона, қайнисингил, ака-укалар сабаб бўлиб қоляпти, менимча. Мисол учун, қайнонага келин ёқмай қолса, шартта оилани бузиб юборишга ҳаракат қиляпти. Ўғлига «онаси ўпмаган қиз»ни олиб беришини айтади. Ўртадаги фарзандлар тақдири, ёшларнинг фикри, маҳалла-кўй насиҳати кор қилмайди. Ўйлашимча, бунинг олдини олиш учун тўйдан олдин икки ёш расмий никоҳдан ўтгач, келинни янги хонадонга рўйхатга олиш лозим. Шунда келиннинг уйга, мол-мулкка эгалик ҳисси пайдо бўлгач, қайноналар арзимас баҳоналар билан келинни ҳайдашдан олдин ўйлаб кўришга, ёш келинга янги хонадонга ўрганиши учун вақт беришга мажбур бўлади. Ажралиш содир бўлса, ўз-ўзидан келин уйдан ўз ҳиссасини талаб қилиши мумкин.

Акmal САМАДОВ,
Когон туманидаги
«Ўзбекистон» маҳалласи раиси.

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ

Шахло БОЗОРОВА,
Навобий шаҳридаги
«Матонат» маҳалласи раиси:

— Маҳалладошимизнинг кўли сингани учун гипс қўйилган. У ўз хоҳишига кўра ишдан бўшамоқчи, аммо жароҳати тўғрисида аризани имзолай олмайди. Бу ҳолатда у электрон рақамли имзо (ЭРИ) қўйилган электрон ариза топшириши мумкинми? Ёки бошқа шахс унинг ўрнидан ариза ёзиши мумкинми?

Ишдан бўшаётганда ариза ёза олмас...



Ленара ҲИКМАТОВА,
«Норма» эксперти, ҳуқуқшунос:

— Меҳнат кодексига, агар ходимнинг ўзи буни жисмонан бажара олмас, «ўз хоҳишига кўра» меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризани расмийлаштиришнинг алоҳида тартиби мавжуд эмас. Бу ҳолатни икки вариантни қўллаш мумкин.

1-вариант: ходим аризани электрон рақамли имзо билан имзолайди. Ушбу масалада мутахасссларнинг фикрлари турлича, чунки қонунчиликда бу саволга аниқ жавоб берилмаган. Хусусан, **қарши томон фикрига кўра**, алоҳида ҳужжатларни ёзма шаклда расмийлаштириш Меҳнат кодексига бевосита назарда тутилган. ЭРИни қўллаган ҳолда электрон ҳужжатларни алмашиш имконияти кодексда фақат масофадан туриб ишловчи ходимлар учун назарда тутилган. **Ижобий томон фикрича**, Меҳнат кодекси, гарчи у ходимни ишдан бўшаш тўғрисида ёзма шаклда ариза бериш талабини белгиласа-да, шу билан бирга, бу ишни электрон ҳужжат юбориш орқали амалга оширишни тақиқламайди. Қолаверса, электрон ҳужжатни қоғоз ҳужжатга тенглаштирадиган «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонун мавжуд.

2-вариант: ишдан бўшаш тўғрисида ариза ходимнинг сўзларидан ёзилади. Юқоридаги вазиятда ходим ўз қўли билан ариза ёза олмас ёки имзолай олмас, унинг ўрнига бу ишни муомалага лаёқатли вояга етган бошқа шахс амалга ошириши мумкин. Аммо тартиб-таомил қонуний бўлиши учун ариза нотариус иштирокида имзоланади. Бундай ҳолларда нотариал ҳаракатларни амалга ошириш чоғида аудио ва видеоёзув воситаларидан фойдаланилади. Шунингдек, аризага ходимнинг тиббий ҳолати тўғрисидаги тиббий ҳужжат илова қилинади.

Баъзан амалиётда ходим иштирокида, унинг сўзидан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризани ушбу ташкилотда ишлайдиган бошқа шахс (одатда кадрлар бўйича мутахассс) ёзади ва имзоланадиган тартиб-таомил қўлланилади. Аммо бу усулнинг қонунийлиги ва ишончилиги шубҳали. Ҳуқуқий низо юзага келган тақдирда, иш берувчи меҳнат муносабатларини бекор қилиш иш берувчининг мажбурлаши эмас, балки ходимнинг истаги эканини исботлаш жараёнида қийинчиликларга дуч келиши мумкин.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ўғлини эрта уйлантирганлар жазога тортиладими?

Музаффар ЭРГАШЕВ,
Хатирчи туманидаги
«Дамариқ» маҳалласи раиси:

— Баъзида оилалар катта ёшдаги кишиларнинг саломатлигини инobatга олиб, «Неварасининг никоҳ тўйини кўриб қолсин» деган мақсадда қизларни 18 ёшга етмай узатиш ёки йигитларни уйлантириш пайига тушиб қолишади. Маҳалла фаоллари никоҳ ёши ҳақида маълумот берса-да, айрим ҳолларда ота-оналар ўз сўзида туриб олишади. Бунда қандай чора кўриш керак? Ота-она жавобгарликка тортиладими?

Ёқутхон ЮСУПОВА,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Оила кодексининг 15-моддасига асосан, мамлакатимизда никоҳ ёши эркаклар ва аёллар учун ўн саккиз ёш этиб белгиланади. Бу борада узрли сабаблар пайдо бўлганида алоҳида ҳолларда (ҳомиладорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахснинг тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши), никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра, никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин. Бошқа ҳолатларда қонунчиликда



эрта никоҳ учун жавобгарлик белгиланган. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-3-моддасига биноан, никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш — **базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача** (1 млн. 700 минг сўмдан 3 млн. 400 минг сўмгача) миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш ҳаракатига тушиб қолишса, улар ба-

завий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн беш бараваригача (2 млн. 300 минг сўмдан 5 млн. 100 минг сўмгача) миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Никоҳи қонунда белгиланган тартибда қайд этилмаган шахслар ўртасида, шу жумладан, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш — **базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача** (5 млн. 100 минг сўмдан 10 млн. 200 минг сўмгача) миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

ТАЖРИБА

«Бешмарган» – туризм қишлоғига айланди»

«Бешмарган» маҳалласига «туризм қишлоғи» мақоми берилган. «Вилоятдаги иккита туризм қишлоғининг биридир. Гап шундаки, 2019 йил Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан «Бешмарган» туризм қишлоғига айлантириш таъминоти билан чиққанмиз. Чунки кўҳна Бешмарган қишлоғида ислом оламининг табаррук сиймоси, тасаввуф илмининг буюк намоёниси, Нақшбандия тариқатининг асосчиси Хожа Юсуф Ҳамадоний мақбараси жойлашган. Шу сабаб бу ерга сайёҳлар тез-тез келишади.



Мазкур фармонда фуқаролар йиғинлари ҳудудларида 20 тадан кам бўлмаган оилавий меҳмон уйлари ташкил этилганда ва туристлар учун камида беш хил хизмат турлари (яшаш ва/ёки овқатланиш бўйича хизматлардан ташқари) кўрсатилган тақдирда уларга «Туризм маҳалласи», «Туризм қишлоғи» ёки «Туризм овули» мақоми берилиши белгиланган. Бироқ маҳалладан 45 та хонадон эгалари уй меҳмонхоналарини ташкил этиш истагини билдиришди.

«Бешмарган» маҳалласи туризм қишлоғига айланган, ҳудуд ободонлаштирилиб, бунёдкорлик ишлари олиб борилди. «Ташаббусли бюджет» лойиҳасида беш марта ғолиб бўлди. Дастлаб маҳалла биноси таъмирланиб, 13 та кўчага қуёш панелли тунги ёриткичлар ўрнатилди. 7,8 километр ички кўчалар таъмирланиб, 33-мактабнинг спорт зали қайта таъмирланиб, мини футбол майдони қурилди. Шунингдек, ҳомийлар кўмағида «Workout» майдони фойдаланишга топширилиб, боғча янгиланди. Кам таъминланган, ногирон фуқаролар ҳолидан хабар олиниб, уйлари таъмир-

ланди, озик-овқат маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Мевали ва манзарали дарахтлар экилди. Аҳолининг ичимлик сув муаммоси ҳал этилди.

«Туризм» лойиҳаси доирасида 2 километр ички кўчалар асфальтланиб, 2 километр пиёдалар йўли, маҳаллага кириш қисмига стелло ва селфи зоналари ўрнатилди.

Маҳаллада хунармандлар кўп. Отабой Матёқубов, Рўзибой Бобононов каби уста-хунармандлар миллий чолғу асбоблар ясайди. Ёшлар уларнинг хунармандчилик устахоналарида қизиқилари бўйича хунар ўрғанишмоқда. Қувонарлиси, Хожа Юсуф Ҳамадоний зиёратгоҳида алоҳида хунармандчилик савдо дўкони ва бозор ташкил этилган. Маҳсулотлар харидорбоп, республиканинг турли ҳудудларидан санъат ихлосмандлари ҳамда сайёҳлар ўзлари қизиққан мусиқа асбобларни харид қилишади.

2020 йилдан буён маҳалла нуронийлари билан саёҳатга

чиқиш аънаога айланган. Ўзимиз бирлашиб, поезд ёки автобусда республикамизнинг турли ҳудудларидаги муқаддас зиёратгоҳлар ва диққатга сазовор жойларини айланамиз. Мақсад, нуронийларга мамлакатимизда бўлаётган сўнги ўзгаришларни кўрсатишдир.

Йиғиндаги «Artatex» тикуччилик корхонасида 100 нафарга яқин хотин-қизлар меҳнат қилмоқда. Бу ерда кунига 3000 та трикотаж маҳсулотлари тайёрланиб, хорижга, асосан, Россияга экспорт қилинади.

Маҳалла аҳолиси меҳнаткаш. Асосан, боғдорчилик, паррандачилик, чорвачилик билан шуғулланади. Ҳудудда 200 гектар боғ бор. Уриқлар экспорт қилиниб, дунёнинг турли мамлакатларида сотилмоқда. 138 нафар ишсиз фуқарога 15-20 сотихдан ер берилди. Улар полиз маҳсулотлари экиб, дастлабки даромадни олишди.

Бундан ташқари, ҳудудда тиббий марказ, маҳалла гузари ташкил этилди. Бу ерда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилиб, аҳоли бандлиги таъминланмоқда. Спортга қизиқувчи ёшлар учун махсус автобус ташкил этилиб, ҳафтада уч марта туман марказидаги олимпия стадионида спорт машғулотларини ўтамоқда. Натижалар яхши, медаллар сони ортиб бормоқда.

Уч йиллик тажрибамдан шуни айтаманки, маҳалла раиси халқнинг отаси, у халқнинг яхши ва ёмон кунида ёнида туриб, дардини баҳам кўриши керак. Раиснинг иш вақти чекланмаган. Масалан, тунда мусибат ёки жанжал чиқса, биринчи раисга кўнғироқ бўлади. Шукрки, уч йилдан буён маҳаллада бирорта жиноятчилик ва мурожаатчилар чиқмади. Маҳалла аҳолиси бир оиладек, бировнинг бошига иш тушса барчамиз бирлашамиз.



Уйғунбек ШАРИФЗОДА,
Шовот туманидаги
«Бешмарган» маҳалласи раиси.

P.S: Уйғунбек Шарифзода жорий йил Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси томонидан ўтказилган «Энг яхши маҳалла раиси» танловининг Хоразм вилоят босқичи ғолиби бўлди.

НУҚТАИ НАЗАР

«Биргина муаммо, электр энергия таъминотида»

Маҳалла туман марказидан 11 километр олисда жойлашган. Аҳолининг асосий даромади чорвачилик ва деҳқончиликдан. Эллик фоиз аҳоли хонадонларида бўрдоқчилик билан шуғуланиб, 3-4 тадан буқа боқади. 10-15 сотихдан иборат томорқа ерларида картошка экишади.



Иморат қурувчи уста-хунармандлар кўп. Йиғитларнинг етмиш фоизи шу иш билан шуғулланиб, рўзгорини тебратмоқда. Улар нафақат туман, вилоятда, балки Тошкент шаҳри ва қўшни давлатларда ўз миқозларига эга.

Бугун фуқаролар анча фаол, муаммоларга бефарқ эмас. Ташаббускорлари кўп. Шу сабаб «Ташаббусли бюджет» лойиҳасида икки маротаба ғолиб бўлди. Дастлаб маҳалладаги 78-мактабнинг спорт зали қайта қурилиб, 2 800 метр ички кўчалар асфальтланди. Иккинчи босқич орқали 3 200 метри асфальтланмоқда. Шунингдек, ҳашар йўли билан 3 километр йўл шағаллаштирилди.

Қувонарлиси, жорий йил 5 та сув минораси ўрнатилиб, 400 та хонадон ичимлик сув билан таъминланди. Натижада аҳолининг етмиш фоизи тоза ичимлик сувга эга бўлди.

«Яшил макон» лойиҳаси доирасида аҳолидан ташқари, «маҳалла бешлиги» ходимлари томонидан 90 туп арча, 50 туп павлония, 50 туп тут дарахт кўчатлари экилди. Шунингдек,

маҳалла қабристонини ҳудуди ободонлаштирилиб, арча дарахтлари экилди.

Биргина муаммо, электр энергия таъминотида. Аҳолининг айрим қисми электр кучланиши паст бўлгани сабабли маиший техникаларни ишлатолмаяпти. Бу муаммони бартарф этиш учун ҳудудга 370 та бетон устун, 9000 метр кабель ва 4 та трансформатор зарур. Бу борада олти ой олдин туман электр тармоқлари корхонасига мурожаат этилган, бироқ ҳамон амалий натижа йўқ. Маълум қилишларича, бу ишлар 2024 йил дастурга киритилар экан.

Келгусида маҳаллани «Обод маҳалла» дастурига киритиш режалаштирилмоқда. Шу орқали катта кўчага пиёдалар йўли қуриш, кўча чиқоқлари ўрнатиш, мактаб биносининг бир қисмини таъмирлаш ва қуёш панеллари ўрнатиш ҳамда қишлоқ врачлик пункти ёнида 3 та ётоқхона қуриш белгиланмоқда.

Бахтиёр ЭСОНТУРДИЕВ,
Ургут туманидаги
«Сўфи» маҳалласи раиси.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Ижодий гуруҳ:
Санжар ИСМАТОВ,
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ,
Рустам ЮСУПОВ

Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Mahalla

Ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий газета

МУАССИС:

«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi» МЧЖ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳ кўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Обуна бўлими: 71 233-10-92.
Баҳоси келишилган нархда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Ўлчамлари — А3, 4 босма табоқ.
7 840 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1218
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

